

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“АУДИОВИЗУАЛ ВА ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКА” КАФЕДРАСИ

АХМЕДОВА ЗАРНИГОР ИБРОХИМ ҚИЗИ

**“DUNYO BO‘YLAB” ТЕЛЕКАНАЛИДА ИЧКИ ТУРИЗМ МАВЗУСИ:
ТАЛҚИН, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

5220100 – Журналистика таълим йўналиши

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий рахбар: Д.Ризаева

ТОШКЕНТ – 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ВАЗИФАЛАРИ	9
1.1. Ўзбекистон туристик давлат сифатида	9
1.2. Туризм имкониятларни кенг жамоатчиликка таништиришда телекўрсатув ва видеороликларнинг таъсири	19
II БОБ. “DUNYO BO‘YLAB” ТЕЛЕКАНАЛИДА ИЧКИ ТУРИЗМГА ОИД КЎРСАТУВЛАР: ИЖОДИЙ ЖАРАЁН ВА МАҲОРАТ МУАММОЛАРИ	30
2.1. “Dunyo bo‘ylab” телеканалида ихтисослашган кўрсатувларнинг формати, жанри ва таъсирчанлиги	30
2.2. Телекўрсатувларда таҳлил ва журналист позицияси	41
ХУЛОСА	55
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	58

КИРИШ

Ўзбекистонда кейинги йилларда туризм соҳаси ривожланиб, бу соҳадаги хизматлар ҳар жиҳатдан такомиллашиб, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатда туризмни миллий иқтисодий диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Виза режимининг либераллаштирилиши, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм тармоғини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш имконини берди.

Ушбу соҳани ривожлантириш учун давлат томонидан кенг имкониятлар яратилмоқда. Соҳа ривожини учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий механизм вужудга келтирилиб, муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг мазкур йўналишга тааллуқли қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмни ривожлантиришга ва қулай шарт-шароитлар яратишга оид бир қатор қарорлари ишлаб чиқилиб ҳаётга тадбиқ этилди.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатларда обрў-эътиборини ошириш ва республиканинг туристик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашини фаоллаштириш мақсадида халқаро туристик ташкилотлар, айниқса, Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Шу муносабат билан туризм соҳасини фаол ривожлантириш, республикамизнинг туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш, туристларга сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш туризм соҳасининг салоҳиятини кенгайтириш

орқали унинг миллий иқтисодиёт ривожланишига қўшаётган салмоғини муттасил ошириб бориш бугунги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мавзунинг долзарблиги. Оммавий ахборот воситалари туризмни ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, телевидение бир вақтнинг ўзида ҳам оммавий коммуникация вазифасини ҳамда турли жойларга ахборот узатиш имконияти мавжуд бўлган “майдон”дан бири саналади. Сайёҳлар учун эса макон ва жой ҳақида ахборот олишнинг энг катта манбаи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сонли фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Dunyo bo‘ylab” телеканали Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ички туризм, дам олишнинг фаол турлари ва спорт туризмни ривожлантириш, маданий мерос объектлари ва табиий бойликлар, шу жумладан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни ёритиш масалалари бўйича бош ахборот ҳамкори сифатида белгиланган.

Бугунги кунда, фаолият юритаётган телеканаллар томонидан айниқса, “Dunyo bo‘ylab” телеканалида сайёҳлик кўрсатувларининг салмоғи ошиб бормоқда. Мавзуларнинг ёритилишида, хорижликларнинг қизиқишлари, фикр-у ўйларига мос ахборотларни етказишда уларнинг тажрибаси, мактабини яратиш муҳим ҳисобланади. Шу маънода ўзбек тележурналистикасининг тараққиёти жараёнида сайёҳлик кўрсатувларининг шаклланишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Dunyo bo‘ylab” телеканали давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш,

сифатли бойитиш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги 2012 йил 30 июлдаги ПҚ-1794-сон Қарори билан ташкил этилган.

Телеканал қисқа вақт мобайнида ўз қиёфасини шакллантира олгани ва мавзуларининг ранг баранглиги билан жамоатчилик эътиборига тушди. Натижада томошабинлар аудиторияси кундан кунга сезиларли даражада ортиб борди. Бундай мувофақиятнинг асосий омили аввалдан белгилаб олинган аниқ вазифалардир.

“Айни вақтда ихтисослашган оммавий ахборот воситалари ҳам ўз фаолиятини тубдан ўзгартириши лозим. Аввало, қуруқ расмий гаплардан қочиш, танқидий таҳлил, креатив ёндашув, бугунги ҳаётни бутун кўлами, мазмуни, керак бўлса, мураккаблиги билан ёритишда журналистларимиз фаоллик кўрсатиши керак”¹.

Бугунги кунда туризм соҳасига қаратилаётган эътибор, ўз-ўзидан телеканаллар кўрсатувларига ҳам таъсир қилмасдан қолмаяпти. Нафақат “Dunyo bo‘ylab” балки юртимизнинг барча каналларида сайёҳлик, туристик кўрсатувлар ҳам мазмун жиҳатдан, ҳам сон жиҳатдан салмоқли бўлиб бормоқда. Бу эса телеканалларнинг мазкур соҳадаги эришаётган камчиликлари, ютуқлари ва янги жиҳатларини ўрганишни тақазо этади.

Сўнгги пайтларда мамлакатимиз туризм соҳасида шунчалар катта ўзгаришлар, сайёҳларга шароитлар яратилмоқдаки, миллий оммавий ахборот воситаларимиз бу ислохотларни тўлақонли очиб бера олганича йўқ. Шу сабабдан, Президентимиз “Инвестиция, савдо ва туризм салоҳиятини ўзаро мувофиқлаштириб, ягона бренд остида реклама қилиш зарур. Миллий телерадиокомпания ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги зиммасига Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини

¹ Мирзиёев Ш.М. Хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чоралар. // Видеоселектор 22 феврал 2018 й. <http://www.uza.uz>.

кеча-кундуз тарғиб қилувчи, саёҳатга оид турли қизиқарли кўрсатувлар намоиш этиб боровчи халқаро телеканал ташкил этиш вазифасини юклади².

Ҳақиқатан ҳам, Журналистика, аввал турли касблар чорраҳасида пайдо бўлган соҳалардан бўлган бўлса, кейинроқ ОАВ тараққиёти, унинг вазифаларининг кенгайиши, ишлаб чиқариш ва техник соҳадаги кескин ўзгаришлар, журналистика ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашуви бу каби анъаналарни янада ўзгартириб юборди. Яъни, журналистикада ихтисослашув долзарб масалага айланди³.

“Dunyo bo‘ylab” телеканали кўрсатувлари туризм соҳасини ёритувчи канал сифатида ихтисослашиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Мазкур битирув малакавий ишимизда айнан шу масалаларни тўлақонли ўрганиш ва таҳлиллар асосида уларга жавоб топишга уринамиз.

Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Dunyo bo‘ylab” телеканали битирув ишимизнинг объекти ҳисобланади. Ушбу канал орқали тайёрланган барча туризмга оид кўрсатувлар мавзуси ва унда журналист маҳорати предмет сифатида таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва унда телевидениенинг ўрнини яхлит бир йўналиш сифатида олиб чиқиш, уни янада такомиллаштириш, ёш авлоднинг соҳага бўлган қизиқишини ўстиришдир. Шу билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Dunyo bo‘ylab” телеканали кўрсатувларини қиёсий-таҳлилий тадқиқ этишдан иборат. Ушбу мақсад қуйидаги вазифалар орқали амалга оширилади:

- миллий туризмнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш;

²Мирзиёев Ш.М. Хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича кўрилатган чоралар. // Видеоселектор 22 феврал 2018 й. <http://www.uza.uz>.

³Нурматов А.Н. Замоновий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув. 12 декабрь 2013 йил <http://www.gglit.uz/blog>

- Ўзбекистонда туризмга оид кўрсатувларининг шаклланиши ва тараққиётини таҳлил этиш;
- туризмга оид кўрсатувларни шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатувчи омилларни тизимлаштириш;
- Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Dunyo bo‘ylab” телеканали кўрсатувларини қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Мавзунинг назарий ва методолик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларида, маъруза ва улар раҳбарлигида ўтказилган видеоселекторларида туризмни ривожлантириш ва оммавий ахборот воситалари олдига қўйилган назарий-амалий вазифалар, кўрсатмалар, матбуот ва журналистикага оид илмий-методик қўлланмалар, рисоалар, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва туризмни ривожлантиришга оид қонун ва қонун ости ҳужжатлари ташкил этади.

Ишдаги назарий қарашлар, умумлашмалар, илмий хулосалар тележурналистлар, журналистика факультетида таҳсил олаётган талабаларга юртимизнинг тарихий, миллий ва ўзига хос бойлигини телекўрсатув ва видеороликларга кўчиришда, телевизион журналистика фанини ўқитишда қўл келиши мумкин. Туризм ва уни дунёга танитишда телеканалларнинг ўрни ҳақидаги илмий тадқиқотда чиқарилган умумлашма ва хулосалар ёш журналистларда касбий кўникмаларни шакллантиришда фойдаланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Телевидениеда ички туризм соҳаси ҳақида телевизион кўрсатув тайёрлаш ва эфирга узатиш борасида замонавий ёндошувлар тайин этилгани, “Dunyo bo‘ylab” телеканалининг хос хусусиятлари ўрганилиб, назарий умумлашмалар чиқарилгани ишнинг илмий аҳамиятини кўрсатади. Ишдаги назарий қарашлар, умумлашмалар, илмий хулосалар журналистика факультетларида таҳсил олаётган талабаларга телевизион журналистика фанини ўқитишда қўл келиши мумкин. Битирув малакавий ишдан чиқарилган умумлашма ва

хулосалар бевосита журналистик амалиётдан олингани сабабли, ундан тележурналистлар, мутахассислар касб маҳоратини оширишда, ёш журналистларда касбий кўникмаларни шакллантиришда фойдаланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. “Турист саёҳат қилиши керак. Агар биз туризм ҳисобига иш ўринлари очамиз десак, туристга шарт қўйиш эмас, балки шароит яратишимиз зарур”⁴.

Ҳақиқатан ҳам юртимизда сўнгги пайтларда сайёҳларга кенг имкониятлар қилиняпти. Ана шу имкониятлардан дунё ҳамжамиятини хабардор қилиш оммавий ахборот воситалари, айниқса тележурналистиканинг асосий вазифаларидандир. Шу маънода юртимизда мазкур мавзуга қўл урилган ҳатто курс иши ҳам йўқ. Туризмбоп кўрсатувларнинг ўзига хос психологик омилларини ўрганувчи яхлит бир тадқиқотлар қилинмаган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги дунёга юртимиз ҳақида тўлиқ, бор имкониятлари билан таништирадиган тележурналистикасининг тараққиёти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари қиёсий таҳлили асосида ўрганиш билан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши. Кириш, икки боб, тўрт фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

⁴Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси .//Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабрь

I. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Ўзбекистон туристик давлат сифатида

Бир ўлкаки, тупрогида Олтин гуллайди,

Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор...

Ойбек

Бугунги кунда, мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг энг муҳим секторларидан бири ҳисобланган туризм соҳасини ривожлантириш, юртимизнинг ҳали тўла ишга солинмаган сайёҳлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, мазкур соҳанинг янги иш ўринлари яратиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, валюта тушуми, аҳолининг турмуш сифати ва даромадларини ошириш, мамлакатнинг инвестиция жозибадорлиги ва имиджини яхшилашда ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, “Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш”⁵ бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган. Давлатимиз раҳбарининг соҳа ривожига қаратилган қатор фармон ва қарорлари ҳамда давлат дастурлари туризмни жадал тараққий эттиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмининг ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил

⁵2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.// [www. lex.uz](http://www.lex.uz)

7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорихамда 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли фармони ижроси доирасида қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқланган “2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури”⁶ соҳани ривожлантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Агар эътибор қиладиган бўлсак, охириги уч йил ичида мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ҳақида ўндан ортиқ меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳага тадбиқ этилди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар нафақат юртимиз сайёҳлик салоҳиятини балки туристлар Ўзбекистонда бемалол ҳаракатланиши учун имконият ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Соҳада бўлаётган имконият ва ислохотлар йилдан йилга Ўзбекистон Республикасига хорижликларнинг ташрифи ортиб боришига хизмат қилмоқда. Жумладан, 2017 йилда Ўзбекистон республикаси ҳудудига ташриф буюрган туристлар сони 2690 минг кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 32,7 фоизга кўпдир. Ўз навбатида, 2018 йилда республикаимизга ташриф буюрган туристлар сони кескин даражада ортиб, 5300 минг кишини ташкил этди. Бу эса, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда туристлар сонини кескин даражада яъни, 2610 кишига ортганини кўрсатмоқда⁷.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида очиқлик принципига таянаётгани, қўшни ва бошқа хорижий мамлакатлар билан алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августда қабул қилган “2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори//<http://www.lex.uz>.

⁷Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг статистик маълумоти

ислоҳотлар, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, юртимизга ташриф буюришнинг тўсиқларсиз амалга оширилиши, ўз навбатида, юртимизга қизиқувчилар ва ташриф буюрувчилар сонини янада оширди. Президентимизнинг 2017 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси консуллик йиғимлари тарифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори асосида якка тартибдаги хорижий сайёҳлар учун 30 кун муддатга бериладиган ягона кириш туризм визалари жорий қилинди. Уларни расмийлаштириш нархи учдан бир қисмга камайтирилди. Туристлар гуруҳи визасини расмийлаштириш учун гуруҳларнинг қуйи чегараси икки баробарга (10 нафардан 5 нафарга) камайтирилди. Қўшни давлатлар билан ҳамкорликда сайёҳлик йўналишлари, шу жумладан, “Буюк ипак йўли” йўналиши бўйича туристик маршрутларни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 июлдаги қарори асосида Европа ва Осиё-Тинч океани минтақаси ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни оптималлаштириш мақсадида, республиканинг ягона географик жойлашувини инобатга олган ҳолда 101 мамлакат фуқароларига республиканинг аэропортларидан транзит саёҳатчи сифатида ҳаракатланаётганда 5 сутка мобайнида мамлакатда визасиз бўлиш имконияти берилди.

Ўзбекистон-тинчлик ва хурсандчилик гўшасидир, унда буюк ўтмиш ҳозирги кунларнинг латофати билан туташади. Мамлакат “Буюк ипак йўли” чорраҳаси ва миллион йиллик бой тарихга эга афсонавий Турон заминининг марказида жойлашган. Ўзбекистон-такрорланмас маданий бойлик, анъанавий ҳунармандчилик, меҳмондўст халқ, жозибадор урф-одатлар ва хилма-хил таомларга бой мустақил суверен давлатдир. Сўнгги йилларда туризм бошқа халқ хўжалиги соҳаларига қараганда сезиларли равишда тез ривожланиб, ушбу соҳадаги хизматларга бўлган талаб ва таклиф ҳам доимо ошиб бормоқда. Шубҳасиз, Ўзбекистон жуда улкан туристик салоҳиятга эга. Йилдан йилга ҳар жабҳада ички ва ташқи туристлар оқимида, туристик

идоралар, даромадли экотуризм, даволаш ёки экстремал туризм соҳаларида ҳам юксак даражадаги ўсиш жараёни кузатилмоқда.

Авваллари туризм соҳасида фақатгина давлат томонидан эътибор берилган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу соҳа ривож кичик хусусий корхоналар фаолияти ва шахсий хизматлар билан ҳам боғлиқ. Аввалги туристик идоралар ўрнига ҳозирда янги туристик агентликлари хизмат кўрсатмоқда. Туристтик хизмат кўрсатувчи агентликлар сони ҳам кескин даражада ортиб бормоқда. 2017 йилда янги - 127 та, 2018 йилда эса янги - 300 та туристик агентликлар ташкил этилган бўлса, 2018 йилнинг якунига келиб уларнинг умумий миқдори 983 тани ташкил қилди.

Ўз навбатида, республикамизга ташриф буюрувчи туристларни жойлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 йилда мазкур йўналишдаги меҳмонхоналар сони 772 тани ташкил қилган бўлса, 2018 йил якунига келиб 914 та меҳмонхоналар туристлар учун хизмат қилмоқда. Айни вақтда мамлакат бўйлаб 1000 дан ортиқ меҳмонхоналар, замонавий бизнес-меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда. Туристтик корхоналар доимий равишда малака оширишга, ўз хизматларини халқаро стандартларга ўз вақтида мослаб боришга ва уларни ташқи туризмга эътибор қаратган ҳолда экспорт қилишга ҳаракат қилишмоқда. Ички туристик бозор йилдан йилга янги ва қизиқарли йўлланмалар эвазига бойимоқда. Туризмнинг географик сарҳадларининг кенгайиши ва саёҳатларнинг хилма-хиллигининг бойиши, саломатлик, хизмат, таълим, болалар ва ёшлар, спорт, шопинг ва диний каби туризмнинг янги турлари фаолиятини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон ҳақида гап кетар экан, унинг жаҳон мева-сабзавот савдосининг ривожланишига кўшган ҳиссасини эътироф этмай илож йўқ. Давлатимиз ўз анъаналарига содиқ қолган ҳолда ва кўп асрлик қишлоқ хўжалиги маданиятини ҳам ўзида мужассам этган.

Ўлкамиз табиати, осори атиқалари ва зиёратгоҳ жойлари бутун дунёдан инсонларни ўзига жалб қила олиши билан улкан имкониятларга эга.

Баланд тоғлар, шарқираб оқувчи дарёлару осуда кўллар, чексиз саҳролар табиат ихлосмандлари учун топилма саналади.

Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларда қад ростлаган қадимги меъморчилик намуналари тарих ва осори атиқаларни севувчилар учун хазинадир.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Шоҳизинда мақбаралари, Чор Бакр акрополи зиёрат туризми мухлисларини оҳанрабодек ўзига чорлайди.

Республикамизнинг айрим вилоятлари сайёҳлик имкониятлари ва уларда яратилган имкониятлар ҳақида қисқача тўхталамиз.

Самарқанд вилояти

Мамлакатимиз сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн давлат қаторида туради.

Бундай бой маданий мерос Самарқандда жуда кўп. 2001 йилда Самарқанд шаҳри ва унинг ҳудудидаги кўплаб маданий объектлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Самарқандда 1550 дан ортиқ минг йиллик тарихга эга қадимий обидалар ва маданий мерос объектлари бор. Яқинда, Самарқанд жаҳондаги бориб кўриш шарт бўлган элликта шаҳар қаторида қайд этилди.

Туристик салоҳияти катта бўлган Ургут, Самарқанд, Жомбой, Пахтачи ва бошқа туманларда янги сайёҳлик йўналишлари мавжуд. Бу жойлар Ургут туманидаги “Юқори чинор” зиёратгоҳи, Тахтиқорача довони атрофи ва Мингарча дам олиш маскани, Самарқанд туманининг Оҳалик ва Миронқўл қишлоқлари ҳудуди, Нуробод туманининг Оксой қишлоғидаги Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи ва Нурбулоқ қишлоғидаги “Нурбулоқ” санаторийси атрофи, Жомбой туманидаги “Зарафшон” кўрикхонаси, Пахтачи туманидаги Добусия қалъаси сайёҳлар учун энг сеvimли маскан ҳисобланади. Бу масканларда сайёҳлик учун замонавий инфратузилма яратилган.

Шунингдек Самарқанд наонлари, миллий таомлари, хунармандлари ясаган турли экспонатлар ўзига хослиги ва такрорланмаслиги билан ажралиб туради.

Бухоро вилояти

Бухоро вилоятида 660 дан ортиқ моддий-маданий мерос объекти рўйхатга олинганининг ўзиёқ бу ўлка туристик имкониятларга қанчалар бойлигини англатади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги 2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туристик салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари шу имкониятларни рўёбга чиқариш сари ташланган муҳим қадам бўлди. Бухоро шаҳридаги собиқ “Шаҳристон” бозори ҳудудида хунармандлар марказини қуриш, муқаддас қадамжолар - Хожа Абдулҳолих Гиждувоний, Хожа Ориф ар-Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, Хожа Баҳоуддин Наҳшбанд ва Чорбакр мажмуалари зиёрат туризми энг ривожланган жой ҳисобланади. Ҳудуднинг туристик салоҳиятини янада кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида “Ипак ва зираворлар”, “Бухоро шаҳри куни”, “Қовун сайли” ва “Бухоро хунармандлари” фестивалларини ташкил этиш урф бўлган.

Айни пайтда “Бухоро бўйлаб саёҳат қил” дастури асосида юртдошларимиз аҳолисида таркиб топган 1200 нафардан ортиқ аҳоли саёҳатга чиқмоқда.

Жиззах вилояти

Жиззах мамлакатимиз вилоятлари орасида, марказда жойлашганлиги, яъни шарқда Сирдарё, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари, ғарб ва шимоли-ғарбда Самарқанд, Бухоро ва Навоий, жанубда Қашқадарё ва

Сурхондарё, шимолда Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикалари жойлашганлиги муҳим аҳамиятга эга. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларининг мамлакатимиз бўйлаб ва пойтахт билан боғланиш ҳаракати фақат Жиззах ҳудудлари орқали ўтади. Вилоятдан тўғридан-тўғри Қозоғистон ва Тожикистон Республикаларига чиқиш имконияти ҳам бор. Бу вилоятда хорижий ва ички туризмни ривожлантиришнинг энг қулай ва арзон имкониятларидан бири ҳисобланади.

Шу боис, вилоятда туризмни ривожлантириш мақсадида соҳани тизимлаштириш, яъни ҳар бир тумандан мутасадди вакил тайинлаш, ички туризмга алоҳида эътибор қаратиш, табиий масканлар ва тоғ ҳудудларида кластерлар ишлаб чиқиш, туризм фонди ташкил этиш, йўл бўйи инфратузилмаларининг санитария-гигиеник ҳолатларини яхшилаш, вилоят ҳудудидаги табиий масканларни хатловдан ўтказиш ва уларни келгусида рекреацион ҳудудларга айлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 майдаги "2017-2019 йилларда Жиззах вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у 48 та лойиҳани қамраб олган. Бугунга қадар, ушбу дастур бўйича 65,3 млрд. сўм маблағ сарф қилинган ҳолда 22 та лойиҳа амалга оширилди. Ишга туширилган туристик масканларда сайёҳларнинг дам олишлари учун 552 та жой ҳамда 220 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

Бундан ташқари, Зомин тумани Кўрик қишлоғида 250 ўринли “Азим-Зомин шифо” ва Бахмал тумани Кўкжар қишлоғида 100 ўринли сиҳатгоҳ, Жиззах шаҳри, Зомин, Дўстлик туманларида замонавий меҳмонхоналар, Фориш тумани Айдар-Арнасой кўллар тизими қирғоқларида 3 та кемпинг ва ўтов лагерлар мажмуаси ҳамда тоғли туманлар ҳудудларида 10 дан зиёд уй меҳмонхоналари сайёҳлар хизматида.

Жиззахдаги экотуристтик манзиллар ва уларга олиб боровчи йўлларнинг атрофлари гўзаллиги ва мафтункорлиги билан туристларни оҳанрабодек ўзига мафтун қилади.

Туристтик жойлар, зиёратгоҳ ва экотуристтик объектларга рус, инглиз ва ўзбек тилларида йўл кўрсаткичлар ҳамда маълумотлар қайд этилган.

Шунингдек, 2 минг гектар ер майдони махсус экотуризмни ривожлантириш учун ажратилган. Ушбу ҳудудда табиий экологик сўқмоқлар мавжуд. От, туя ва квадроциклда сайр қилиш, чодирлар қуриш, тоғ чанғиси мажмуасида спорт билан шуғулланиш, ресторан ҳамда ахборот марказларидан фойдаланиш, музей ва маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотлари сотиш дўконларидан ҳаридлар қилиш мумкин.

Бундан ташқари Жиззах вилоятида агротуризмнинг энг ажойиб намуналарини кўриш мумкин. 5 минг гектар ер агротуризм учун ажратилган. Ушбу жойда дам олиш уйлари, спорт мажмуалари, камёб ҳайвонот ва ўсимлик турларини учратиш мумкин. Бу ерда сайёҳлар туяларда сайр қилиши, кўпқари ўйинини томоша қилиши, мева териш, ўт ўриш каби қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этишлари мумкин бўлади.

Этно туристик ҳудудда замонавий меҳмонхоналар, болалар дам олиш масканлари, кемпинглар, ҳаво шарларида учиб марказлари мавжуд. Ушбу йўналишда келган сайёҳлар қишлоқ жойларни, тарихий ва маданий ёдгорликларни, табиат ёдгорликларини, археологик объектларни, миллий урф-одатларни томоша қилиш имконига эга бўлишади. Шунингдек, сайёҳлар миллий ҳунармандчилик ва миллий таомлар сирларини ўрганиш имконига ҳам эга бўладилар.

Жиззах вилоятининг Зомин туманига келган халқаро сайёҳлар бу жойни АҚШнинг “Йеллоустон”и ёки “Гранд-Каньон” миллий паркларига ўхшатишади. Ҳақиқатан ҳам Зомин туристик зонаси нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ҳам ягона. Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак,

“Йеллоустон” миллий боғига йилига 20 миллион сайёҳ ташриф буюради. Зоминга бўлса бугунги кунда 50-100 минг киши ташриф буюради. Шундан билиш мумкинки, Зомин туристик зонасини кўпчилик билмайди ёки дунё матбуотида кенг тарғиб қилинмаган.

Хоразм вилояти

Хоразм ўзининг кўп асрлик тарихи, бебаҳо маданий мероси билан дунёга машҳур. Кейинги йилларда вилоятда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор натижасида бу қадимий заминга келувчи сайёҳу меҳмонлар сони тобора ортиб бораётир. Эътиборлиси, улар тарихий обидалар ва қадамжоларни зиёрат қилишда, аксарият объектлар айнан бир жойда жойлашганлиги уларда катта қизиқиши уйғатмоқда.

Хусусан, буюк бобокалонларимиз Хоразмий, Беруний, Жалолиддин Мангуберди шарафига бунёд этилган, шунингдек, “Авесто” ёдгорлик боғ-мажмуалари, шаҳарнинг янги қиёфадаги бош майдони, асосий кўчаси хорижликларда катта таассурот қолдираётир.

Албатта, жаҳон талабларига мос туризм инфратузилмасини бунёд этмай туриб, сайёҳлик соҳасида катта муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, вилоятда замонавий туризм хизматларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ҳозирги кунда, Хоразм вилояти бўйича архитектура, археологик ва меъмориал экскурсия объектлари сони 209 тани ташкил этгани ҳолда, шундан 53 та маданий мерос объектлари Хива “Ичан-Калъа” Давлат музей кўриқхонаси ҳудудида жойлашган. Қолган объектлар вилоятнинг турли туманларида жойлашган. Бу эса, вилоятда туризмни ривожлантириш потенциали, унинг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда туристик объектлар бир жойда жойлашгани сайёҳлар учун кенг имконият ҳисобланади.

- Ўзбекистон бўйлаб сайёҳатим ниҳоятда қизиқарли бўлди, - дейди англиялик сайёҳ Шарлотта Ковилл. Айниқса, Хива қалъаси мўъжизанинг ўзгинаси экан. Бу ерни “Эртақлар шаҳри” дейиш мумкин. Очиғи, шундай мўъжизаларни яратиб, асраб-авайлаб келаётган ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, самимийлиги ва бунёдкорлик салоҳиятига тан бердим. Келгусида гўзал ва бетакрор юртингизнинг кўрку таровати, жозибаси янада ортишига ишончим комил.

Қашқадарё вилояти

Қашқадарё замини ўзининг бой тарихи, қадимий осори-атиқалари, ўтмиш ёдгорликлари, бетакрор табиати билан соҳа ривожига муҳим ўрин тутади.

Вилоятда бугунги кунда 1 минг 311 маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 1 минг 41 таси археология, 200 таси архитектура, 43 таси ҳайкал ва 27 таси диққатга сазовор жойлардир. Бу маданий мерос объектларига сайёҳлар оқими жуда юқори. Айниқса, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор ва Қарши туманларида бу каби миллий меросимиз намуналари нафақат юртдошларимиз балки хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Журналистика, аввал турли касблар чорраҳасида пайдо бўлган соҳалардан бўлган бўлса, кейинроқ ОАВ тараққиёти, унинг вазифаларининг кенгайиши, ишлаб чиқариш ва техник соҳадаги кескин ўзгаришлар, журналистика ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашуви бу каби анъаналарни янада ўзгартириб юборди. Яъни, журналистикада ихтисослашув долзарб масалага айланди⁸.

⁸НурматовА.Н.Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув. 12 декабрь 2013 йил <http://www.gglit.uz/blog>

1.2. Туризм имкониятларини кенг жамоатчиликка таништиришда телекўрсатувларнинг таъсири

Бугунги кунда, туризмни ривожлантириш мамлакат ихтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Мамлакат ўзининг салоҳияти, географияси, тарихи ва бугунги кундан келиб чиқиб, туризмнинг турли йўналишларини ривожлантиришга уринади. Саломатлик туризми, тиббиёт туризми, экотуризм, экскурсия туризми, спорт туризми, экстримал туризм, зиёрат туризми сингари йўналишларни ривожлантириш имконияти юзага келади.

Ҳар йили Ўзбекистонга жаҳоннинг 70 га яқин мамлакатидан сайёҳлар ташриф буюради. Ушбу миқдорни кескин даражада ошириш, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли фармони билан тасдиқланган “2025 йилгача туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси”да назарда тутилган туристлар сонини 9,0 миллиондан ортишига етказиш салоҳиятимизни қанчалик тарғиб қилишимизга боғлиқдир.

Ўзбекистон туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш, жумладан, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади.

Тематик кўнгилочар боғлар, маданият объектлари (миллий музейлар, галереялар), туристик-рекреацион ҳудудлар ва кластерлар ташкил этиш, сайёҳлик намоишининг алоҳида объектларини қуриш ва имиджга доир лойиҳаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидениенинг ўрни катта.

“Туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотлари олиб боришга, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилишга,

Ўзбекистон Республикасининг туризм қиёфасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, миллий туризм маҳсулотлари ва брендлари халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш” катта аҳамият касб этади⁹.

Миллий сайёҳлик имкониятларни ички ва ташқи бозорларда тарғиб қилишда телеканаллар самарали восита ҳисобланади. Айни шу мақсадда ҳозирда, “BBC”, “CNN” ва “Euronews” оммавий ахборот воситалари экранларида Ўзбекистон ҳақида ҳужжатли, тарихий, кўнгилочар кўрсатувлар тез-тез бериб бориляпти. Шунингдек, Мадрид, Берлин, Москва, Остона, Токио, Париж, Измир шаҳарлари кўчаларида юртимиз тўғрисидаги видеороликлар, баннерларда қўйилган.

Мамлакатимизнинг 40 дан ортиқ туризм ташкилотларига Испания, Польша, Латвия, Корея Республикаси, Малайзия, Туркия, Индонезия каби мамлакатларнинг туроператорлари ҳамда телеканаллари билан ҳамкорлик келишувлари асосида кўрсатув ва видеороликлар туристик зоналарнинг ўзидан тайёрланиб эфирга узатилмоқда.

Ҳозирда “Dunyo bo‘ylab” телеканали давлат унитар корхонасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходимлари ва Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналистлар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, телеканал шу кунгача Россия Федерациясининг “Моя Планета”, АҚШнинг “Диссоверй Соммунисатионс, ЛЛС”, Германиянинг “Деутсче Вэлле”, Голландиянинг “Офф Тхе Фенсэ”, Австриянинг “ОРФ Энтерприсе ГмбХ&СоКГ” ва Жанубий Кореянинг “КБС Медиа” компаниялари билан самарали ҳамкорликда ишлаб келади. Уларнинг юқори сифатли ҳужжатли фильм ва туризмга оид кўрсатувларини лицензия

⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони/<http://www.lex.uz>

асосида намойиш қилиш бўйича шартномалар имзоланиб, телетомошабинларга тақдим этилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришдаги бирламчи вазифалардан келиб чиқиб, ВВС телекомпанияси катта имкониятларни тақдим этмоқда. Ушбу телекомпания билан қилинган шартномада Ўзбекистоннинг туризм соҳасида қилинган ҳар қандай янгилик зудлик билан ВВСда берилиши ҳамда бир ойда бир марта ҳужжатли кўрсатув экранда берилиши қайд этилган.

Туризмга оид кўрсатувлар ўз олдига қўйилган мақсади, тузилиши, йўналишига қараб турли бўлиши мумкин. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

Бирор маконни оммага таништириш ҳақидаги кўрсатувларнинг асосий мақсади телетомошабинларга айрим жойларга нисбатан талабни шакллантириш ва у ерга боришга ишонтириш. Бундай телекўрсатув маълум бир жойни ҳар томонлама сайёҳларга таништиради ва тарғиб қилади. Туристик жойнинг барча имкониятлари, хусусиятлари, кўриниши, сифат кўрсаткичлари ҳақидаги истеъмолчиларга чуқур, ҳар томонлама ва тўлиқ маълумот беради. Бу билан у ҳар қандай кишида жойга нисбатан қизиқиш уйғотади. Ўзбекистон туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг маълумотига кўра, яқинда ВВСда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат” номли кўрсатув бўлди. Унда Ўзбекистоннинг тарихий, маданий мероси қанчалар ноёблиги, тарихийлиги, жўғрофик аҳамияти ва бошқа шу классдаги туристик зоналардан устун томонларига телевидениеда урғу берилиши бу жойга ҳавас ва қизиқувчиларни кўпайтирган. Бундай хабар телеканалларда бир неча бор қайтарилиши, унинг атрофида шов-шув туғдириш, объектга нисбатан қизиқишни талабга айлантира бошлаган. Оқибатда турли мамлакатларидан Ўзбекистон ҳақидаги бир хил саволлар билан мурожаат қила бошлаган ва ниҳоят, саёҳат учун Ўзбекистонга келишга қарор қилишган.

Бирор халқнинг, миллатнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари акс эттирувчи, ўзига хослигини тарғиб қилувчи кўрсатув ҳам, оддий қилиб айтганда, реклама бўлиб хизмат қилади. Унинг асосий мақсади кенг жамоатчилик орасида жой ёки кишиларнинг номини, имиджини яратиш ва бунга саёҳларни ишонтиришдир. Табиийки, бунда халқнинг маданияти, меҳмондўстлиги, давлатнинг туризмга бойлиги ҳақидаги фикрни одамлар онгига сингдиришга ҳаракат қилинади. “Dunyo bo‘ylab” телеканалида бундай кўрсатувларнинг бир нечта намунасини кўриш мумкин. Масалан, “Сайёҳнинг бир куни” кўрсатувини олайлик. Унда бир ёки бир нечта сайёҳларюртимиз аҳолисининг хонадонларидан бирига ташриф буюради. Бу жараёнда чет эллик сайёҳлар ўзбек халқининг урф-одати, ижтимоий турмуш тарзи билан таништирилади. Кўрсатув қатнашчилари бўлган сайёҳлар ўзбек хонадонида меҳмон бўлар экан урф-одатлар билан танишади, миллий таомларни тайёрлаш жараёнида қатнашади, миллий либослар кийишади. Мана шу жараёндаги хис-ҳаяжон албатта экран қаршисидаги томошабинга ҳам кўчиши тайин. Бу эса кўпчилик сайёҳларда ўзбек хонадонида бир марта бўлсада меҳмон бўлиш туйғусини уйғотади.

Кўрсатувнинг қизиқарли ва таъсирчанлиги шундаки, меҳмон ва мезбон муносабатлари, ҳар бир “янги” одат ёки нарсага дуч келгандаги хайрат ва ҳаяжоннинг акс этиши. Бу юртимизга келувчиларга “Ўзбекистон сўлим ва чиройли гўша. У ерга борганлар учун барча шароитлар етарли. Ўзбек халқидан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди”, деган тасаввур уйғонади.

Телемахсулотнинг реклама ўрнида бериладиган кўрсатувлари бевосита ва билвосита тури, айниқса, кенг тарқалган. Бевосита реклама ўрнида берилувчи кўрсатувлар тижорат асосида амалга оширилади. Унда мамлакат ҳақидаги фактлар асосида бирор хабарнома, хизмат ёки товарлар ҳақидаги барча жабҳалар ёритилади. Билвосита реклама ўрнидаги кўрсатувлар тўғридан-тўғри эмас, балки қандайдир ниқобланган ҳолда, кўзга ташланмайдиган, билинтирилмаган ҳолда усталик билан амалга оширилади.

Бунда мамлакат ёки давлат кўрсатилмайди аммо кўрсатув ёки клипнинг иккинчи планида кўринади. Масалан, машҳур эстрада юлдузининг кўшиғига клип олинганда жой иккинчи планда бўлади. Лекин бу ўша жойга қизиқувчиларни кўпайтиради.

Сайёҳлик кўрсатувлари ҳимоя қилиш, бирлаштириш, (иттифоқ) корпоратив ёки кириш ва киритиш мақсадлари учун ҳам тайёрланади. Ўз номидан маълумки бундай мақсадда амалга оширилаётган телекўрсатувлар кўп ҳолларда мамлакатни туризм бозорларига киритиш ёки “рақобатчи”лардан ҳимоя қилиш ва ниҳоят уни енгиш учун амалга оширилади. Бундай кўрсатувларда давлатнинг бутунжаҳон оммаси олдидаги хизматлари, унинг обрўси урғу билан кўрсатилади. Унда давлатнинг тарихий ва маданий ашёларга бойлиги, буюк алломалари, халқнинг урф-одатлари ҳақида алоҳида таъкидланади. Бу билан мамлакатнинг ва демак, у ердаги имкониятларнинг нақадар қадрли, ноёб, сифатли эканлигига сайёҳларни ишонтиради.

Сайёҳлик кўрсатувлари ҳуруж қилувчи ёки таништирувчи оддий, хотиржам, тушунтириш ҳарактерига эга ҳам бўлиши мумкин. Бундай кўрсатувлар берилаётган ахборотининг хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, бирор жойнинг янги тарихий топилманинг ўзлаштирилаётган даврида янгилик маълумотнома, таништириш тарзида берилади, унда топилманинг ўзига хослиги, узоқ тарихга эгалиги, ноёблиги каби хусусиятларига урғу берилади. Бундай ахборот истеъмолчиларга янги, тарихий ашёларга бой жой топилганлиги ҳақида хабар беради.

Туризмга оид кўрсатувлар чет эл сайёҳлари учун ёки айнан бир миллат, халқ учун олинса, ўша жойнинг географик жойлашуви иқлими, халқининг урф-одати, дини, маданияти ҳисобга олиниши керак. Бундай чуқур ўйлаб яратилган кўрсатувлар аксарият ҳолларда катта фойда олиб келади. Бироқ айрим ҳолларда халқлар, регионларнинг хусусиятларини ҳисобга олмаслик кутилмаган ёмон оқибатларга ҳам олиб келиши, кутилгандан тескари

натижалар бериши мумкин. Масалан, 4 рақами Японияда “ўлим” маъносини билдиради ва бу рақам японлар учун тайёрланган телекўрсатувларда бўлмаслиги керак. Чўчқа гўшти мусулмон мамлакатларида умуман тановул қилинмайди ва мусулмон давлатлари учун тайёрланган телекўрсатувларда чўчқа умуман кўрсатилмаслиги керак.

Ҳар бир туристик кўрсатув - бу мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятига бойлиги, тур экскурсаводларининг имкониятлари, инсон саломатлигига таъсири ва ҳоказоларни ифода этадиган индивидуал ёндашишдир. Шундай экан, юқорида келтирилган ҳолларни барча мамлакатларда бир хил татбиқ қилиниши хунук оқибатларга олиб келиши табиий бир ҳолдир. Шунинг учун ҳам ҳар хил мамлакат ва вилоятда уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил экран унсурлари ва воситаларидан фойдаланмоқ лозим. Туризм ҳақидаги кўрсатувларда мамлакатнинг айрим имкониятлари озроқ бўрттириб кўрсатилиши мумкин, бироқ у ёлғон даражасига кўтарилиши мумкин эмас, чунки сайёҳларни бир марта бўлсада алдаш, ундан умрбод ажралиб қолиш демакдир. Бундан ташқари, ёлғон ахборот мамлакатнинг имиджига "ёлғончи" тамғасини олиб қўйиб, соҳанинг умуман сенишига ҳам олиб келиши мумкин.

Туристтик кўрсатувларни чет эл телеканалларида бериш одатда жуда қиммат ва шу билан бирга, энг самарали “реклама” ҳисобланади. Шунинг учун ҳам журналист унинг асосий вазифаси нимадан иборат эканлигини унутмаган ҳолда қилинажак кўрсатув ҳақидаги ўзининг чуқур ўйланган маркетинг ечимини қабул қилиши керак. Сайёҳлар оқими кўпая бошлаганда масала равшанлашиб, кўрсатув тайёрловчига қанчалик катта масъулият тушишини кўрамиз, яъни кўрсатув бўйича мутахассис қобилияти бўлмаса ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиб иш юритмаса, аввало ўз юрти, халқининг обрўсини ҳам тушириб қўйиши мумкин. Шунинг учун журналист маркетинг муҳитини ва мамлакатнинг туристик салоҳиятини ҳам ҳисобга олиши зарур.

Тайёрланаётган туризмга оид кўрсатувларнинг самарали чиқиши режиссёр ва моҳир операторлар фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга. Асосан, режиссёр мамлакатнинг туристик имкониятларидан самарали фойдаланадилар. Масалан, кичик сайёҳлик зонасини кўрсатиш учун қуйидаги воситалардан фойдаланадилар. Биринчидан, ерлик аҳоли фикри ва асословчи далиллардан фойдаланади. Иккинчидан, олдин шу жой ҳақидаги тайёрланган кўрсатувлар кадрларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Учинчидан, бу жойга келган сайёҳлар фикри кадрлар қаторига қўшилади.

Европа давлатларида махсус мана шундай туристик кўрсатувлар, ҳужжатли филмлар тайёрловчи шахсий телестудиялар мавжуд. Мана шундай кичик-кичик телестудиялар тайёрлаган кўрсатув ва фильмларни давлат ёки нодавлат телекомпаниялари сотиб олади ва шу орқали сифатли маҳсулотларга эришилади. Ўзбекистонда ҳозирча бундай маркетинг муҳити етук даражада бўлмаганлиги сабабли ҳам кўнгилдагидек ҳужжатли фильм ёки кўрсатувларни топиш қийин.

Ҳозирги кунда телекоммуникация соҳасида аниқ бир мақсадга таянган ҳолда иш юритувчи телеканаллар ҳам бор. Масалан, “Dunyo bo‘ylab” телеканали фаолиятини олайлик. Ҳар қандай телеканал дастурлари таркибий тузилиши унинг фаолият юритиш предметиға боғлиқ. Шу боисдан ҳозирда “Dunyo bo‘ylab” телеканалининг асосий вазифалари дунёдаги барча энг ноёб ва оддий бўлмаган жойлар, кашфиётлар туристик зоналар ҳақида Ўзбекистон халқини таништириш. Шу билан бирга мамлакатимизнинг барча туризм имкониятларини дунёга тарғиб қилишдир. Лекин “Dunyo bo‘ylab” телеканали “Балиқ ови”дан нариға ўта олгани йўқ. Чунки, бу каналнинг техник имкониятлари ҳам, кадрларининг билим салоҳиятию молиявий аҳволи ҳам буни кўтара олмайди. Натижада....

Товарлар, хизматлар ва умуман бирон-бир ижтимоий-сиёсий воқеликни телекўрсатув қилишда аниқ мақсадлар билан режалаштирилади. Айниқса, туризмга оид телекўрсатувларни режалаштириш бир қанча илмий

тадқиқотлар, изланишлар олиб боришни, аввало, истеъмолчининг эҳтиёжи, талаби, унинг диди ва молиявий аҳволи, хулқ-атворини ўрганишни тақозо қилади. Чунки, туристик кўрсатувлар биринчи навбатда сайёҳларга ва бўлажак меҳмонларга қаратилган экан, унинг кўнглини топиб, телекўрсатув қилиниши лозим. Режа тузишда телекўрсатув ва уни эфирга бериш вақтини, фаслини ҳам тўғри танлаш муҳим. Масалан, экотуризм тўғрисидаги телекўрсатув баҳор ойлари, тоғли экотуристлик зона ҳақида телекўрсатувлар айтилиши жазирама ёз ойлари эфирга берилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳар қандай мамлакат имиджининг ўлчов мезонлари қаторида туризм соҳаси алоҳида ўрин тутди. Бунда хусусан, хорижликларнинг мамлакатни бориб кўришга бўлган қизиқишлари, маҳаллий шарт-шароитлар, табиатнинг гўзаллиги ва инсон кўли билан яратилган диққатга сазовор жойларнинг мавжудлиги эътиборга олинади.

“Мамлакат имиджи тушунчаси турли ахборот оқимларининг кенгайиши баробарида журналистика фанининг олдида янги вазифаларни қўя бошлади. У эндиликда назарий ва амалий масала сифатида жиддий тадқиқот объектига айланди”¹⁰.

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, мамлакатнинг халқаро имиджи барқарор константа (лотин. constans – доимий, ўзгармайдиган, муқим) бўлиб, у узок йиллар мобайнида жаҳон ҳамжамияти онгида ўрнашиб қолади. Ўрнашиб қолган тасаввурни ўзгартириш эса осон кечмайди.

Дейлик, Англиянинг “консерватизм ўлкаси”, Италиянинг “мафия макони”, Таиланднинг “туристик жаннат” деб таърифланиши дунё жамоатчилиги орасида яхши маълум. АҚШ Президенти Р. Рейген СССРга “ёвузлик салтанати”, Эрон Президенти Хумайни АҚШга “тўнғич иблис” деб ном берганини тарихдан биламиз.

Бундай ёрликлар қўллаш ўтган асрларда ҳам, яъни, ҳали PR фани шаклланмаган пайтда ҳам одатий ҳол ҳисобланган. Жумладан, Эронни “Форс

¹⁰ Алимов Б. Мамлакат имиджи деганда нимани тушунамиз?//УзА, 25 июль 2019 й.//<http://www.uza.uz>.

кўрфази жандарми”, Хива хонлигини “Ўрта Осиё Жазоири” деб аташ урф бўлган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг минтақавий имиджи географияси кенгайди. Чунончи, Тошкент ислом маданияти пойтахти, Элликқалъа кўҳна маданият ўчоғи, Сурхондарё (Термиз) цивилизация бешиги, Асака автосаноат маркази, Навоий замонавий халқаро ҳаво дарвозаси сифатида хорижий ОАВда тилга олинмоқда.

XX асрнинг 50-йиллари ўрталарида Д.Огилви Лотин Америкасида жойлашган Пуэрто-Рикодек мўъжаз бир давлатнинг ташқи нуфузи масаласини тарихда биринчи марта бренд сифатида кўтариб чиққан. Мутахассиснинг бундан кўзлаган асосий мақсади америкаликларнинг ушбу мамлакатга бўлган салбий муносабатини ўзгартириш ва мамлакатга сайёҳларни кўпроқ жалб этишдан иборат эди. Натижада Пуэрто-Рико ташқи дунё тасаввурида нотинч бир давлатдан тарихан бой ва маданияти ўзига хос Ренессанс даврини бошдан кечириётган давлатга айланган. Шу тариқа бу кичик, кўзга кўринмас диёрга ривожланган Ғарб мамлакатларидан ташриф буюрувчиларнинг сони кескин кўпайишига эришилган.

Қайд этиб ўтиш керак, мамлакат имиджига баҳо берилганда туризмдан ташқари яна бешта жиҳат инобатга олинади. Булар – мамлакат одамлари, ўзига хос маданий меросга эгалиги, ҳукуматнинг очиқлиги, унинг халқ олдидаги нуфузи, мамлакатнинг хорижга сотаётган маҳсулотлари сифати, сармоявий ва имиграцион шароитлар.

Мамлакат имиджида туризмнинг тутган ўрни ҳақида сўз борар экан, дунё мамлакатларининг сайёҳлик шиорлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш зарур.

Назаримизда Ўзбекистоннинг туристик шиори - “Табиий бетакрор!” (инг. Naturally irresistible!) кутилган натижани бера олмаслиги мумкин. Чунки у бошқа мамлакатлар шиорлари билан солиштирганда ўйлаб топилган, ғализ, нотабиий тушунчага ўхшайди. Ваҳоланки, Ҳиндистоннинг "Ҳайратомуз Ҳиндистон" (Incredible India), Туркиянинг "Бизнинг меҳмонимиз бўлинг" (Be

our guest) ва Хитойнинг "Хитой аввал бундай бўлмаган" (China Like Never Before) шиорлари бир мунча мафтункор эшитилади.

Ўзбекистон туризм саноатини ривожлантириш, иқтисодиётнинг тез ўсишини таъминлашда унинг ролини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, дунё бозорида миллий туристик маҳсулот салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи барча шароитлар яратилмоқда.

Мазкур фаолият миллий туризм соҳасини ахборот билан таъминлаш, туристик операторлар учун замонавий ахборот технологиялари ечимлари ва компьютер дастурларини ишлаб чиқиш, ахборот бозори субъектларига уйғунлашган ҳолда ишлаш, халқаро миқёсда мамлакатимиз нуфузини ошириш бўйича оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 72 та давлатдан келган 5,7 минг нафар сайёҳ орасида тадқиқот ўтказган. Маълум бўлишича, туристларнинг кўпчилиги дўстлари ва оила аъзолари, шунингдек, ижтимоий тармоқлар орқали берилган роликлар асосида Ўзбекистонга келишга қарор қилишган. Қолаверса, телевизион ҳужжатли фильмлар ва янгиликлар дастурлари ҳам бу борада муҳим ўрин тутиши маълум бўлган.

Демак, Ўзбекистоннинг туристик жозибадорлиги ошишига хизмат қилувчи долзарб ахборот ресурсларини, Ўзбекистоннинг ноёб тарихи, ўтган буюк алломалари ва олимлари, диққатга сазовор жойлари, миллий таомлари, анъаналари ҳақида ҳужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратиш ва тарқатишни кўпайтириш зарур.

Бунда, туристларни нафақат жалб этишга эътибор қаратиш зарур. Токи улар мамлакатга яна мунтазам равишда ташриф буюришсин ва ўз давлатларидаги дўстларига ҳам буни тавсия этишсин.

Келаётган ҳар бир сайёҳ диққатга сазовор жойларни томоша қилишдан ташқари тўлақонли туристик маҳсулотлардан баҳраманд бўлишга ҳақлидир.

Бунинг учун ҳудуд имиджини шакллантириш бўйича алоҳида дастурларни жорий этиш керак бўлади.

II БОБ. “Dunyo bo‘ylab” телеканалида ички туризмга оид кўрсатувлар: иждодий жараён ва маҳорат муаммолари

2.1. “Dunyo bo‘ylab” телеканалида ихтисослашган кўрсатувларнинг формати, жанри ва таъсирчанлиги

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга¹¹. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Дунёдаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савиясини ошириш, мамлакатнинг туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини ўзида акс эттириш билан бирга, уни шакллантириш ва ривожлантириш вазифасини ҳам адо этади. Шу боис жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда мамлакат имиджини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларига муҳим омил сифатида қаралади. Биринчидан, бу жараёнларни амалга оширишда жамоатчиликнинг фикр-қарашлари уларда акс этса, иккинчидан, ҳар доим ҳам осон кечмайдиган амалиёт - янгилик ва ўзгаришларни одамлар онгига сингдириш, фикрлаш ва яшаш тарзига миллий қадриятларни олиб киришда уларнинг аҳамияти катта.

¹¹Xoliqova D. Raqamli teleradioeshittirish tarmog'i qancha rivoj topsa, axborot almashinuvi tezligi va sifati shuncha oshadi.<http://uzbekistonovozi.uz.uz>.

Шу жиҳатдан олиб қараганда “Dunyo bo‘ylab” телеканали фаолияти таҳсинга сазовор. Телекўрсатувлар ҳақида гапиришдан олдин телеканалнинг энг асосий вазифалари, мақсади ва фаолияти ҳақида бироз тўхталмоқчимиз. Эфир 24 соат давом этади. Эфир қамрови: Рақамли форматда Республикамизнинг барча ҳудуди бўйлаб эфирга узатилади. 5 ёшдан 80 ёшгача бўлган аудитория учун фаолият юритади.

“Dunyo bo‘ylab” телеканалида бешта муҳарририят фаолият олиб боради:

– Ахборот-таҳлилий дастурлар муҳарририяти. Мазкур муҳарририятнинг асосий вазифаси аҳолини, шу жумладан, чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг бой табиати, соҳага оид янгиликлар, бу борадаги қонунчилик ва унинг ижроси, экотуризмни ривожлантириш, экологик вазиятни яхшилаш ва барқарор сақлаш масалалари, мавжуд экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида кенг хабардор қилиб бориш;

– маърифий-ўлкашунослик дастурлари муҳарририяти. Муҳарририятнинг асосий вазифаси Ўзбекистон географияси, ҳудудий ва табиий ўзига хосликлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, мамлакатимизнинг бетакрор ва мафтункор табиати, сўлим ва хушманзара гўшалари, кўркам боғ-роғлари, пурвиқор тоғлари, зилол ва маржон булоқлари, ўрмонзорлари, кўриқхоналари, миллий меъморчилигимизнинг ноёб намуналари, шаҳарларимиз тарихи ва истиқлол йилларида қишлоқларимизда рўй берган улкан ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи телекўрсатувларни тайёрлаб, томошабинлар эътиборига ҳавола этиш;

– маърифий-географик дастурлари муҳарририяти. Мазкур муҳарририят устувор вазифаси жаҳон меъморчилиги тарихи, дунё шаҳарлари, инсониятнинг тарихий-маданий ёдгорликлари, дунёдаги машҳур кўриқхоналар ҳақида кенг тушунча ва тасаввур берувчи телекўрсатувлар, юртдошларимизни дунё мамлакатлари ҳудудлари ва халқларининг ҳаёти,

турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, умуминсоний қадриятлари, сайёҳлик манзиллари, осори-атиқалари билан кенг таништиришга қаратилган бир-биридан мазмунли дастурларни тайёрлаб, мухлислар эътиборига ҳавола қилиш;

– болалар ва ўсмирлар дастурлари муҳарририяти. Ушбу муҳарририятнинг мақсад ва вазифаси болаларга табиат ва атроф-муҳит ҳақида билим берувчи, ўсиб келаётган ёш авлодни табиатга ҳурмат, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш, Ватанга муҳаббат ва унинг гўзалликларидан фахрланиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган теледастурлар, мактаб ёшидаги болаларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган, табиий фанларни чуқур ўргатувчи телевизион ўйинлар, викториналар, ўқув машқлари, танловлар асосида ранг-баранг телелойиҳаларни тайёрлаб эфирга узатиш;

– кино-видеомаҳсулотлар ва тезкор дубляж муҳарририятлари. Дунёнинг беш қитъасидаги ландшафт, иқлим шароитлари ҳамда экологик масалалар тўғрисида кенг тушунча ва тасаввур ҳосил қилишга қаратилган юксак савияли илмий-оммабоп, маърифий ва кўнгилочар телемаҳсулотларни юксак савия билан ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда овозлаштиришдек масъулиятли вазифани адо этишмоқда.

Ўсиб келаётган авлодда Ватанга муҳаббат ҳиссини кучайтириш, мамлакатимизнинг диққатга сазовор масканлари, муқаддас қадамжоларини чуқур ўрганишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган, шунингдек, Ўзбекистоннинг ўсимлик ва ҳайвонот олами, миллий кўриқхоналари ва ўзига хос табиий-манзаралари, ҳудудлари, дунё тамаддунининг ажралмас қисми ҳисобланган ноёб тарихий-меъморий обидалари, мамлакат минтақалари маданий ва этнографик ривожлантиришининг хусусиятлари тўғрисидаги юқори сифатли махсус илмий-оммабоп ва маърифий теледастурлар телеканал фаолиятининг асоси саналади. Бундай кўрсатувлар телеканал дастурлари режасининг кўп сонини

ташкил қилади. Телеканалда масалан, “Экспедиция”, “Атрофимиздаги олам”, “Фокус”, “Хориждаги юртдошим” кўрсатувларини келтириш мумкин.

Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, она табиатни асраб-авайлашга қаратилган муносабатни тарбиялаш, унинг асл ҳолда сақланишини таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни ҳимоялаш, Марказий Осиё минтақасида экологик офатларга қарши курашиш ва экологик фалокатларни олдини олиш борасида мамлакатда кўрилаётган чоралар тўғрисида аҳолини батафсил хабардор қилиш, юртдошларимизнинг кенг қатламларини табиатни муҳофаза қилиш ишларига фаол жалб қилишга қаратилган теледастурлар ҳам бисёр. Буларга “Шифокорим табиат”, “Яшил сайёра”, “Ветеринар хизмати”, “Балиқ ови”, “Менинг ўлкам” кабиларни киритиш мумкин.

Халқаро ҳамжамият ва мамлакат аҳолисига Ўзбекистоннинг ноёб туристик салоҳияти, маърифий ва экологик туризмнинг имкониятлари ва ривожланиш даражаси ҳақида батафсил ахборот бериш, мамлакатимиз тўғрисида юксак ғоявий-бадий савиядаги илмий-оммабоп ва маърифий дастурларни тайёрлаш, уларни лицензия асосида хорижий каналларда тарқатиш ҳамда соғлом турмуш тарзи ва фаол дам олиш шакллари оммалаштиришга қаратилган телекўрсатувлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, “Бир ошён тарихи”, “Турист билан бир кун”, “Жаҳон бўйлаб” каби телекўрсатувларни келтириш мумкин.

Ҳар бир оммавий - ахборот фаолият тури ўзида бир неча хил маълумотлар: оммавий, бадий ва илмий маълумотларни ифодалайди. Ўз навбатида, журналистиканинг турли бўлиниши ҳақиқий дунёнинг хилма-хиллигини билишга интилишни акс эттирган ҳолда, хиллар ва жанрлар бўлакларини бирлаштиради. Масалан, журналистик фаолиятнинг қуйидаги хилларини кўрсатиш мумкин: ахборот, таҳлилий ва бадий публицистикалар.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, телевизион жанрлар ҳам ахборий, таҳлилий ва бадий жанрларга ажралади. Биз ўрганаётган “Dunyo

bo‘ylab” телеканалида туризм соҳаси фаолияти бўйича материал тайёрлаганда, асосан, таҳлилий, бадий публицистик жанрлардан фойдаланилади, баъзи ҳолларда эса информацион жанрларга ҳам мурожаат этилади. Аммо, мавзу кенг қўламли бўлганлиги сабабли унда информацион публицистик жанрлардан фойдаланиш кам самара беради. Информацион публицистик жанрлари кўпроқ соҳадаги кичик-кичик янгиликларни ёритишда қўлланилади.

“Dunyo bo‘ylab” телеканали, асосан, илмий-оммабоп кўрсатувларга ихтисослашганлигига қарамай, унда ҳам турли жанрлардаги бир қанча кўрсатувларни учратишимиз мумкин. Масалан, буларга қуйидагилар киради:

- “Янгиликлар” информацион дастури;
- “Шахсий ёндашув” ток шоу;
- “Ветеринар хизмати” ҳужжатли кўрсатув;
- “Балиқ ови” репортаж;
- “Битмас хазина” кўрсатуви;
- “Ов мавсуми” репортаж;
- “Сув ёқалаб” кўнгилочар кўрсатуви;
- “Тафсилот” таҳлилий кўрсатув;
- Ва бошқа мавсумий кўрсатувлар.

“Янгиликлар” дастури ҳар соатда ўзбек, рус ва инглиз тилларида эфирда намоён бўлади. У ҳам бошқа “Ахборот”, “Давр”, “Пойтахт”, “Диёр” сингари информацион дастурлар сингари ўз тематикасига эга.

“Янгиликлар” дастурида туризм ва бошқа мавзуга доир хабарлар берилар экан, давлат аҳамиятига молик воқеа-ҳодисалар ёинки Ўзбекистонда хорижий давлатлардан келган сайёҳлар билан учрашувлар ёки экологик, тарих ва маданиятга бағишланган республика анжуманлари айрим ҳолларда жонли эфир тарзида узатилади. Бунда, мухбир бошловчи билан ўзаро алоқага чиқиб, воқеа жойидан хабар беради. Демак, информацион дастурдан ўрин

олган янгилик ва хабарлар тележурналистиканинг жанрларига тўла мос келади.

Янгилик илгари маълум бўлмаган, эндигина юз берган воқеа, ходисадир¹². “Швед тилининг изоҳли луғатида янгилик қуйидагича тавсифланади:

- янгилиги завқ берадиган нарсаси;
- янги муҳим воқеа;
- муҳим воқеа ҳақида хабар (матбуот, радио ва телеидениеда)”¹³.

Демак, янгилик сифатида берилаётган ахборотлар одамлар томонидан кутилмаганлиги, яъни ғавқулддалиги ва қизиқарлилиги билан характерланади. Янгилик тушунчасининг биринчи омили унинг ноодатийлигида, иккинчи жиҳати эса воқеанинг қизиқарли эканлигидадир. Мисол учун, Сурхондарёда илк марта I Халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль жараёнини ёритиш мақсадида Ўзбекистонлик журналист-мухбирлар алоҳида тайёргарлик кўришди, телеканалларда тўғридан-тўғри жонли эфирлар амалга оширилди. Хусусан, бу жараёнда “Dunyo bo‘ylab”нинг тажрибали журналистларидан бири Шарофиддин Хусниддинов зиммасига юклатилган вазифаларни профессионал тарзда бажарди.

Янгиликлар тушунчасига хулоса ясаб шуни айтишимиз мумкинки, халқаро мезонларга кўра янгилик - бу яқин фурсатда бўлиб ўтган, жамиятнинг асосий қисми учун муҳим ва қизиқарли ҳисобланган воқеа-ходиса ёки фикр ҳақидаги ахборотдир¹⁴.

Репортаж ва махсус репортажлар “Dunyo bo‘ylab” каналида кўп учрайдиган жанрлардандир. Бунга каналда эфирга узатиладиган “Балиқ ови” кўрсатувини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

¹²Xudoyqulov M. Jurnalistika va publitsistika. - T.: Tafakkur, 2011. -B.146.

¹³Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қондаси. - T.: Шарқ, 2002. 20-б.

¹⁴Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. - T.: Ga'fur G'ulom NMIU, 2008. 12-б.

Репортаж тушунчаси ва жанр хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, у аслида лотинча сўздан олинган бўлиб, “репортере” - етказиб бериш деган маънони билдиради¹⁵.

Репортаж жонли хабардир. У ахборотнинг ўзига хос жонли кўриниши бўлганлиги боисидан унда маълумот бериш, хабардор қилиш билан бир вақтда тасвирлаш, таҳлил қилиш ҳамда хулоса чиқариш каби хусусиятлар ҳам мавжуд бўлади.

Репортажнинг қайси хили бўлмасин, унда журналистнинг бевосита иштироки, “мен”и сезилиб туради. Чунки у реал воқелик билан томошабинлар ўртасидаги воситачи ҳисобланади. Репортаж учун танланган кадрлар муҳим аҳамиятга эга. Телерепортёр матни эса кадрга мос ва таъсирли бўлиши керак, у воқеа-ҳодисани баҳоловчи ҳамдир.

“АРТ туризм” лойиҳаси ижтимоий тажрибага асосланган кўрсатув бўлиб, унда бирор бир ҳолатга одамларнинг муносабати кузатилади. Мазкур лойиҳа инсонларнинг тарихий ёдгорликлар, маданий объектлар, экотуризмга мос жойлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини кўрсатиб беради. Ушбу кўрсатувда нафақат маҳаллий аҳоли, балки халқаро сайёҳлар ҳам фаол иштирок этишади.

Телевидениеда, хусусан, “Dunyo bo‘ylab” каналида ҳам бадиийликка эътибор берилади. Жумладан, очерк жанридан унумли фойдаланилади. Очерк ҳақида рус тадқиқотчиси К. В. Ковалевский “очерк - ўқувчига кишилар, уларнинг ишлари, воқеалар ҳақида образли тасаввур беради”, деб ёзади. Очерк турлари орасида саёҳат ёки йўл очерки асосий ўрин тутди. Йўл очеркида шунчалар кенг имкониятга эгаки, бир вақтнинг ўзида бирор жой, маконнинг географик ҳолати, иқлими, аҳолисининг урф-одатлари, ҳайвонот ва ноботот олами ҳақида маълумот беради ва таҳлил қилади. “Dunyo bo‘ylab”да

¹⁵Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. - Т.: Tafakkur, 2011. 162-б.

эфирга узатиладиган “Менинг ўлкам” кўрсатуви ҳам айнан шунга мисол бўлади.¹⁶

“Менинг ўлкам” кўрсатуви 45 минутдан 1 соатгача давом этадиган мамлакатимиз турли ҳудудларининг ўзига хослиги, аҳолисининг турмуш-тарзи, ҳайвонот оламигабағишланган кўрсатув ҳисобланади. У журналист томонидан маълум бир кетма-кетлик асосида тузилган сценарий бўйича тасвирга олинмайди. Бу йўл очерки йўналишидаги кўрсатув бўлиб, унда суҳбат, интервью, “Stand up”, архив кадрлар, фотолавҳалар, гарфикалар ҳам ўз аксини топиши мумкин. У журналист Фарход Бобожоновнинг муаллифлик кўрсатуви бўлиб, бадий-публицистик кўрсатувлар сирасига киради. Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги “Фаланг ота” зиёратгоҳига бағишланган сони эса ўзининг қизиқарлилиги, кўпчиликка номаълум фактлардан фойдаланганлиги, суҳбат ва интервьюларнинг ўрни-ўрнида қўлланганлиги билан ажралиб туради. Бироқ Амир Темурига бағишланган сони¹⁷ ҳақида бундай дея олмаймиз. Унда журналист битта интервью берувчи шахс билан чекланиб қолган. Ваҳоланки, кўрсатувнинг жонли чиқиши учун оддий инсонлардан ҳам қаҳрамон сифатида фойдаланиш мумкин эди. Кўрсатувни томоша қилар экансиз, журналист фикрида фактлар етишмаслиги кузатилади. Яъни у матнни информацион дастурларга хос атрофлича маълумотлар билан тўлдирган. Бу эса кўрсатувнинг таъсир даражасини сусайтирган.

Дунёнинг етакчи телеканаллари телемахсулотларини лицензия асосида намоиш этиш йўли билан аҳоли, айниқса ёшларнинг тарих, география ва дунё мамлакатларининг замонавий ривожланиш даражаси, жаҳон халқларининг ўзига хос миллий анъаналари ва маданиятлари, юксак географик кашфиётлар, сайёрамизнинг турли қитъалари ва Жаҳон океанлари табиати, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг нақадар ноёблиги ҳақидаги

¹⁶MTRK.uz

¹⁷“Dunyobo'ylab” телеканалининг 1 март 2019 йил. <http://www.mtrk.uz>.

дунёқарашларини кенгайтириш ва билимларини оширишни таъминлаш мақсадида турли номлар остида бериладиган телекўрсатувларни телеканалнинг энг севиб томоша қиладиган кўрсатувлари десак муболаға бўлмайди. Унда томошабинлар жаҳон мамлакатларига “Dunyo bo‘ylab” билан саёҳат қилади. Кўрсатув сонлари қаерга саёҳат қилинаётганлигига қараб номаланади. “Франкфурт ҳайвонот боғига саёҳат”, “Барселона Испания марвариди”, “Англия қишлоқларида”, “Кўҳна эҳром сири” сингари кўрсатувлар шулар жумласидандир.

Маълумки, йўл очерки жанрида тайёрланган кўрсатувларда журналистнинг ўзи “Stand up” тарзида чиқиш қилиб, томошабинни кетидан эргаштиради. Саёҳат давомида ёритилаётган объект билан боғлиқ қизиқарли маълумот ва фактларни бериш билан бирга мамлакатлар, шаҳарлар, у ердаги кишилар турмушини синчковлик билан тасвирлайди, хулосалар чиқаради.

“Dunyo bo‘ylab”ни кўпчилик кўнгилочар телеканал сифатида эътироф этади. Бироқ унда жиддий танқидий кўрсатувлар ҳам мавжуд. Жумладан, “Шахсий ёндашув” ток шоуси айнан шу туркумга киради. Ушбу кўрсатувда турли хил туризм соҳасида бўлаётган камчиликлар, экологияга одамлар томонидан келтирилаётган зарар ва уларнинг оқибатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилади¹⁸. Бу жараёнда журналист кўрсатувга таклиф қилинган меҳмонлар билан ўзаро фикр алмашиб олиб боради. Шоунинг қизиқарли чиқиши эса журналистнинг маҳоратига боғлиқ жараён саналади. Бундай ток шоуларнинг мавжудлиги аудиторияни зериктириб қўймаслик ва ранг-барангликни таъминлаш учун тайёрланади. Масалан, “Шахсий фикр” ток шоусининг 2019 йил 12 апрелдаги сонида Олий Мажлис сенаторлари, соҳа мутахассислари, оддий фуқаролар таклиф этилиб, атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш ҳақида баҳс-мунозаралар бўлди.

Туризм соҳасини ёритишда янгича формат ва журналист маҳорати масалалари бўйича таҳлилиминизни теле “формат” масаласига қаратсак.

¹⁸“Dunyo bo‘ylab” телеканалининг 12 апрель 2019 йил. <http://www.mtrk.uz>.

Телевизион дастурлар формати канал спецификасига мос бўлиши керак. “Dunyo bo‘ylab” телеканалли маънавий, илмий-оммабоп, кўнгилочар канал бўлганлиги боис телекўрсатувларнинг энг машхур формати сюжетдан кўп фойдаланилади. Сюжет-репортаж, очерк, лавҳа ва зарисовка жанридаги материалларда кўп қўлланилади, кадр орти матнлари муаллиф томонидан ёзилади. Телевизион сюжет ўзида синхрон, лайф ва мусикий безакларни қамраб олади. Сюжет матни муаллифлик услубида бўлиб, канал ва кўрсатув форматидан келиб чиқилади. Бундан ташқари, сюжет маълум композицияга эга бўлади. Туризмга оид кўрсатувлар аксарият сюжет сифатида тасвирга олиниб, кадр ортидан журналист шарҳлаб боради.

Телевизион кўрсатувларнинг специальный синхрон - СХ (алоҳида синхрон) формати бор. Бунда, воқеа-ҳодисанинг бориши, жойдаги вазият ҳақида ньюсмейкер шарҳи, ҳодиса гувоҳлари ёки бошқа дахлдор кишиларнинг фикр-мулоҳазалари эфирда алоҳида тақдим этилади. Сўзма-сўз таржима қилинганда ахборот ишлаб чиқарувчилар деган маънони билдиради. Одатда кўп ҳолларда потенциал ахборот берувчи манба - **ньюсмейкер (newsmaker)**лар ҳисобланади. Шу сабабдан, “Dunyo bo‘ylab” телеканалли ижодкорлари бу форматдан тез-тез фойдаланиб туришади.

Туризмга оид кўрсатувлардаги лавҳаларда икки ёки ҳатто учта кичик синхрон интервьюлар берилади. Бу одатда бир меъёрда ўқиладиган мухбир овозига, ўқиш суръатига, темп-ритмига янги бир руҳ киритади. Лавҳани анча бойитади, жонлантиради. Лекин, улар “ҳаракатдаги гапираётган бошлар”га яъни телевидение амалиётида, ҳужжатли кинематограф асарларида кўп учрайдиган ва бутун телетанқидчиларнинг жонига теккан “говорящие головы”ларга айланиб қолмаслиги керак. Ҳар бир синхрон-интервьюнинг бири иккинчисига ўхшамаслиги зарур. Уларда албатта янгилик, янги факт, рақам, нуқтаи назар бўлиши даркор. Бунинг устига улар шаклан ҳам ранг-баранг бўлиши керак. Масалан, интервью берувчилардан бири туриб гапирса, иккинчиси юриб гапирсин, учинчиси бошқа бир иш билан банд бўлган

пайтда интервью берсин. Айтгандек, ҳар бир қисқа синхронда интервью берувчи бири иккинчини тўлдириши, илгариги синхрон-интервьюга аниқлик киритиши ёки жуда бўлмаганда инкор этиши, пировард натижада эса ҳақиқатни топишга ёрдам бериши керак. Шу каби форматдаги материаллар томошабинда албатта қизиқиш уйғотади.

“Dunyo bo‘ylab” телеканали орқали узатилаётган бир қатор ахборий ва таҳлилий кўрсатувлар бугун ўз аудиториясига эга бўлиб бормоқда. Тўғри, ҳали-ҳамон камчиликлар, расмий шаблон фикрлар гоҳида кўзга ташланса-да, секин-асталик билан канал ижодкорлари кўрсатувлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган янгича ёндашувлар ва усулларни жорий қилмоқдалар. Бу эса профессионалликдан далолат беради.

Профессионаллик бевосита соҳани яхши билиш билан белгиланади. Жанрларни амалда қўллай олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда телевидение соҳасида юзага келган қатор ўзгаришлар жанрларга ҳам тегишли. Оммавий ахборот воситаларида жанрларнинг аралашиб кетиши, қатор ўзгаришлар таъсири ўлароқ, янги жанрларнинг юзага келиши бошланди. Телевидение соҳасида жаҳонда кечаётган кейинги ўзгаришлар бевосита жанрлар билан боғлиқ экан, уларни кузатган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ихтисослашув, тижорийлашув, хусусийлашув, рақамлашиш, жанрлардаги ўзгаришлар журналистлар фаолиятига, уларнинг ижодий маҳоратига ўз таъсирини кўрсатди. Журналистлар Вилоят Шодибекова ҳамда Шарофиддин Ҳусниддиновларнинг охирги репортажларда жуда маҳорат билан амалга ошириляпти, деб айта оламиз. Журналистлар сюжет ва интервьюлардан ўз ўрнида фойдаланиб, чиройли “Stand-up” чиқишларини ҳам амалга оширмоқдалар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, телевидениенинг жонли овози, чиройли тасвири ва шу каби томошабинларни ўзига тезда жалб қиладиган кўплаб имкониятлари мавжуд. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда телеижодкорлар томонидан ойнаи жаҳон орқали таъсирчан ва жонли тарзда

намойиш этилиб борилаётган дастур ва кўрсатувлар юртимиз жамолини дунёга олиб чиқади ва бу билан юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини кенгайтиришга хизмат қилади.

2.2. Телекўрсатувларда таҳлил ва журналист позицияси

Фильм ёки кўрсатув, умуман, ижодий гуруҳнинг маҳсулоти маълум сиёсий, техник ва ижодий талабларга жавоб бериши керак. Маълум бир қонуниятлар, принциплар, қоидалар профессионал журналист фаолиятини ташкил қилади. Уларни тузиб ҳаётга татбиқ этиш осон эмас. Лекин, бу қонун-қоидалар ўзгариб туради. Масалан, илгари телекўрсатув - олиб борувчи ёки репортёр ўзининг фикр-мулоҳазасини тўғри деб ҳисоблаган, ўз нуқтаи назари билан мавжуд тузум сиёсатини тарғиб қилган. Биз ҳуқуқий демократик жамият куришни мақсад қилган эканмиз оммавий ахборот воситалари “Тўртинчи ҳокимият” бўлиши учун эркинлик, ҳаққонийлик ва адолат тамойилларига амал қилиб боришни ўрганиб боришимиз лозим¹⁹.

Журналист бўлиш учун, авваломбор, маълум бир қобилият ва қизиқишлар эгаси бўлиши керак. Иккинчидан, ушбу касб эгаси бўлиш учун унинг назариясини, асосларини билиш, ўрганиш лозим. Учинчидан, ўзи кузатган воқеа-ҳодисага қараб вазиятни тўғри баҳолаш маҳоратини эгалламасдан туриб ҳам журналист бўлиш қийин. Сўз ва тасвирнинг мослиги, экран тасвир қонун-қоидаси билан ижро санъатининг уйғунлашуви телевизион журналист ижоди самарадорлиги гаровидир²⁰.

Таҳлилий, бадий публицистик кўрсатувларнинг ҳаққонийлиги, унинг таҳлил ва фактларга бойлиги, маънавий озуқа бериши телевидение ходимларининг маҳорати ва ўз ишига бўлган муносабатига боғлиқ. Журналист кенг қамровли, маълумотларга бой кўрсатув тайёрлар экан, ҳар бир мавзуни аудиторияга тушунарли усулда ифодалашни уддаламоғи зарур. “Dunyo bo‘ylab” телеканалида бундай маҳорат эгалари энди шаклланиб

¹⁹Ибрагимов Ш.М. Тележурналистика асослари. - Т.: ЎзМУ, 2012. 3-4-б.

²⁰Ибрагимов Ш.М. Тележурналистика асослари. - Т.: ЎзМУ, 2012. 3-4-б.

бормоқда. Лекин, узоқ йиллардан буён шаклланиб, катта тажрибага эга журналистлар ҳам ушбу телеканалда хизмат қилиб келмоқда. Масалан, “Менинг ўлкам” телекўрсатуви муаллифи Фарход Бобожонов. Кўп йиллик тажриба, билим ва ихтисослашув бу журналистга катта имконият ва маҳорат берган. Кўрсатувнинг ҳар бир сони қизиқарлилиги, фактларга бойлиги ва телетомошабинларга тушунарлилиги билан ажралиб туради. Мазкур кўрсатувда журналист позицияси яққол сезилиб туради. Журналист воқеликни бир тизгинда ушлаб туриб, аста-секин, босқичма-босқич маромига етказиб боради. Танланган жойнинг муҳимлиги, ашёларнинг ноёблиги, табиатининг имкониятлари телетомошабинлар кўз ўнгида гавдаланади.

Баъзи ҳисобларга кўра, инсон кундалик ҳаётга маълумотларнинг 90% ини тасвир орқали қабул қилади. Чунки, кўриш ва эшитишга мўлжалланган ахборотлар таъсирли бўлиши табиий. Телевидениедаги тасвир эса ҳиссиётни кучайтиради. Лекин, ҳиссиёт мантиқ билан уйғун равишда бўлиши лозим. Телеканал дастурлари таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаган “Ов мавсуми” ана шундай қонуниятларни ўзида мужассамлаган. Унда аудиовизуал имкониятлардан кенг фойдаланилган. Ортиқча бўрттиришлар, мавзуга оид бўлмаган кадрлар мавжуд эмас. Жараён табиий кадрларга жуда бой ва буни журналист бераётган маълумотларни тўлдириб боради. Кўрсатув муаллифи Иброҳим Сапаров кўрсатувда табиийликни сақлашга ҳаракат қилади. Чунки ушбу кўрсатувнинг асосий таъсир қилиш воситаси бу - табиий воқеалардир²¹.

Умуммиллий, умуминсоний маданиятнинг хусусий таркибий кўринишлари силсиласида муайян касбларга хос бўлган ихтисослик маданияти ҳам мавжуд. Мазкур маданият моҳият жиҳатидан журналистнинг ахборот устида ишлаши ва уни узатиши билан боғлиқ. Ахборий маданият қанчалик юқори бўлса, муҳарририят ижодий ходимлари узатган ахборот ҳам шунчалик мазмунли, эътиборли ва самарали бўлади. “Сув ёқалаб” телекўрсатуви ана шундай имкониятларга эга кўрсатувлар сирасига киради.

²¹“Dunyo bo'ylab” телеканали 2019 йил 13 апрелдаги сони. <http://www.mtrk.uz>.

Мазкур кўрсатув объекти мамлакатимиз ҳудудидаги дарёлар, каналлар, булоқлар, кўллар, сув омборлари ва ҳоказо. Кўрсатувда улар ҳақида ахборот берилар экан, уларнинг узунлиги, қандай тўйиниши, ирмоқлари, қаерлардан оқиб ўтиши каби маълумотлар билан бирга, атрофидаги халқлар урф-одатлари, машғулотлари, яшаш тарзи ҳақида ахборот беради. Кўрсатув муаллифи ва бошловчиси Улуғбек Ҳамроқулов ўзи ирригация соҳасига қизиққанлиги сабабли бўш вақтларда мана шу соҳага оид адабиётларни кўп варақлар экан. Кўрсатувнинг таъсирчанлиги ва томошабинлар томонидан севиб кўрилиши шундандир, балки.

Телевидениедаги журналист фаолиятининг хусусиятлари ҳақида гапирар эканмиз, ушбу касб мазмунини таърифловчи, барча оммавий ахборот корхоналари учун бирдек бўлган ҳаммага маълум ҳолатларни эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Журналистика бу зарурий касб маҳорати даражаси талаб қиладиган оммавий-сиёсий фаолият ва ижоднинг маҳсулидир. Биринчиси, журналист хабарларининг мазмунига, муаммо ва аниқ мавзу танлашга, шунингдек, материалнинг ижтимоий қимматини тушунишга таъсир қилади. Иккинчиси эса, маъно ўраладиган қолипга, танланган жанр ва зарурий тасвирий воситаларга таъсир этади. “Dunyo bo‘ylab” телеканалининг “Тафсилот” телекўрсатувида бу хусусиятларниг барчасини кўриш мумкин. Кўрсатувнинг номидан ҳам билса бўладики, мавзуни чуқур таҳлил қилиб, батафсил мулоҳаза юритилади. Кўрсатув муаллифлари Шарофиддин Ҳусниддинов, Моҳинур Дўстмуҳаммедова, Шахзода Умарова, Моҳинур Имомова. Мазкур телекўрсатув ахборот-маърифий теледастур ҳисобланади. Айрим ҳолларда таҳлилий-танқидий сонларини ҳам учратиш мумкин. Масалан, кўрсатувнинг 2019 йил 20 апрелдаги сонидида табиат, экологиянинг бузилиши ҳақида ўринли мулоҳазалар юритилади. Бу жараёнда инсонларнинг масъулиятсизлиги, беэтиборлиги табиатга катта талафотлар етказётгани қаттиқ қораланди. Кўрсатув экотуризм ривожланган Тошкент

вилоятининг Чимён тоғларида олинган. Унда, бир гуруҳ кўнгиллилар билан атроф-муҳитни тозалаш ишлари олиб борилган²².

“Dunyo bo‘ylab” телеканалининг аксарият кўрсатувлари мулфларида универсаллик ва ихтисослашганлик кузатилади. Бундан кўриниб турибдики, улар ҳар соҳадан хабардор бўлишлари билан биргаликда маълум бир соҳа юзасидан ҳам чуқурроқ билимга эга бўлишлари талаб этилади. Мисол учун, “Dunyo bo‘ylab” телеканалида фаолият юритаётган журналист-мухбирлар телеканалнинг мамлакат имиджини яхшилаш ва дунё давлатлари билан аҳолини таништиришга ихтисослашганлигидан келиб чиқиб турли жойлардан телекўрсатувлар тайёрлашади. Бунда улар экологик, илмий-оммабоп, ижтимоий ёинки маданий-маърифий соҳаларга телемахсулотлар яратиш учун сёмкага чиқар экан, умумийликдан хусусийликка ёки аксинча, хусусийликдан умумийликка қараб тайёрлаётган материал композицияни тузиб олиши керак бўлади. Одатда, мухбирлар ўз матнларини ёзишда кўпроқ доим такрорланадиган, маълумотларга мурожаат этишади. Бу эса телекўрсатувларнинг бир хил талқин қилинишига олиб келади. Агар журналист маҳоратли бўлса, содир бўлаётган воқеа-ҳодисани диққат билан кузатиб ўрганиши, ҳеч ким пайқамаган жиҳатларга эътиборини қаратиши айни муддаодир. А. Мелибоев таъкидаганларидек, журналистда “учинчи кўз” бўлиши керак.

“Dunyo bo‘ylab” телеканалида фаолият олиб бораётган журналистлардан Фарход Бобожонов, Азизбек Бердиев, Шарофиддин Ҳусниддинов, Маъмура Дўстмухамедова, Бегзод Каримов, Феруза Гулямова, Улуғбек Ҳамракулов, Шаҳноза Иброҳимова, Рустам Маматов, Фаррухбек Олимовлар ўзининг услуб ва маҳорати билан ажралиб туради. Хусусан, журналист, мухбир, бошловчи, мухҳаррир Шарофиддин Ҳусниддинов ўз ишини профессионал тарзда бажаради. Вилоят Шодибоевани эса туризм билан боғлиқ янгиликларини тайёрлашда, айниқса, чет эл мамлакатлари

²²“Dunyo bo‘ylab” телеканалининг “Тафсилот” кўрсатуви 2019 йил 20 апрелдаги сони

ҳақидаги кўрсатувларни тайёрлашда етарли малака ва маҳоратга эга журналист, десак янглишмаймиз.

Телевидение учун туризм тизими фаолияти билан боғлиқ материалларни тайёрлаш, таҳлил қилишда эса журналист экранда қайси тасвирни бериши ва қандай матн билан ифодаланишини олдиндан сёмка жараёнида режалаштириб бориши лозим. Худди “Dunyo bo‘ylab” даги “Экспедиция кўрсатуви” каби. Кўрстув ўз номига мос равишда бирор жойга саёҳат уюштирилади. Тасвир ва маълумотлар ўз ўрнида бўлганлиги сабабли томшабинни оҳанрабодек жуда тез ўзига жалб этади. Муаллиф сўнгги пайтларда кўрсатув форматига яхши мослашиб олди. Чунки, кўрсатувнинг дастлабки ва охириги сонларини солиштирганимизда сезиларли даражада ижобий томонга ўзгарганини сезиш мумкин. Кўрсатувнинг 2019 йил 6 апрелдаги сони Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида истиқомат қилувчи машҳур дарбоз Саъдулла Мамадалиевнинг ҳайвонот боғидан олиб борилди²³.

Кўрсатувнинг аҳамияти ва ютуғи шундан иборатки, юртимизнинг сўлим гўшалари, боғлари, ҳайвонот ва ноботот олами ҳақида кенг маълумот беради. Айрим ҳолларда импровизаторлик ҳам қўл келади ва бу томошабинларнинг эътиборини жалб қилишга, хабарнинг ёки кўрсатувнинг қизиқарли бўлишига хизмат қилиши мумкин. А. Куприянов таъкидлаганидек, сайёҳлик “ҳикоя” (матн)нинг асосий вазифаларидан бири қарор қабул қилиш учун маълумотлар билан таъминлашдан иборат²⁴.

Агар тревель журналистика бу туризмга оид маълумотларни излаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш эканлиги инобатга олинадиган бўлса, В. Иванитский фикрига кўра, замонавий сайёҳлик журналистика аслида журналистика бўлмайди. Мамлакат имиджи ҳақидаги материаллар асосини реклама матнлари ташкил этиб, унинг тематикаси ахборот хизмати

²³“Dunyo bo‘ylab” телеканалининг “Экспедиция” телекўрсатуви 2019 йил 6 апрель

²⁴Куприянов А. Структура экономического текста // <http://newreporter.org/2012/05/29/struktura-ekonomicheskogo-teksta-lekcii-aleksandrakupriyanova>.

вакиллари, реклама берувчилар томонидан белгиланади²⁵. Бу эса тижорат журналистикасининг яққол кўриниши, десак бўлади.

Худди шундай, “Dunyo bo‘ylab” телеканали ҳам туризм соҳасини ёритишда бевосита турли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Жумладан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ҳунармандлар уюшмаси, музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш бошқармаси ва ҳоказо ташкилотлар унинг доимий ҳамкори ҳисобланади. Шундай экан, туризм соҳаси билан боғлиқ маълумотлар айнан бир ёки иккита ташкилот ўртасида эмас, бутун бир мамалкат миқёсидан олиб бартараф этилади. “Тафсилот” дастури учун хабар тайёрлашда ҳам олдиндан кўп томонлама келишувлар асосида турли жойлардан сёмка жараёнлари ташкил этилади ҳамда таҳлил қилинади.

Умуман олганда, туризм соҳаси ёки бошқа соҳаларга доир ихтисослашган материал яратишда муаллиф ёритаётган соҳани яхши ўзлаштирган бўлиши ва уни ифодалашда тилдан тўғри фойдалана олиши даркор. Бу эса ўз-ўзидан муаллифнинг сўз бойлиги кенг ва тил материалларини ўз ўрнида ишлата олиш маҳоратига эга бўлишини талаб этади. Масалан, мамлакат сайёҳлик фаолиятига доир телематнларни тайёрлашда журналист қуйидаги вазифаларни амалга ошириши керак бўлади:

- айнан шу соҳага доир терминларни яхши билиши;
- керакли ўринларда атамаларга изох бериб кетиши;
- туризм билан боғлиқ хизматларнинг аҳамиятини ва имкониятини очиб бериши;
- тавтологияга йўл қўймаслиги;
- сўзлардан унумли фойдаланиши;
- жумлаларни содда ва тушунарли тарзда ифодалаш;

²⁵ Иваницкий В. Основные направления в проблематике российской прессы: экономика // <http://evartist.narod.ru/text19/062.htm>.

- мураккаб қўшма гаплардан қочиши;
- рақамларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб кетишига йўл қўймаслиги;
- корреспондент ва респондент маълумотлари бир-бирини такрорламаслиги;
- одатий “қолип”лардан қочиши;
- тасвир ва матн уйғунлигини таъминлаши;
- материални реклама талаблари асосида ёзиши мақсадга мувофиқдир²⁶.

Сайёҳлик ёки туризмга оид кўрсатув ёки ролик яратишда муаллиф биринчи ўринга таъсирчанликни қўяди. Шу мақсадда унинг тилдан фойдаланиш имкониятлари ҳам кенгаяди. Сўзларни кўчма маънода қўллаши, тилнинг тасвирий воситаларидан, мақол-маталлардан, иборалардан унумли фойдаланиши мумкин. Ёки соф илмий матнни ифодалашда аниқликка ва илмийликка эътибор берилади. Бунда аниқ факт-далиллар, терминлардан кенг фойдаланилади. Энди ҳам илмийликни ҳам бадийийликни талаб этадиган, бирор соҳага йўналтирилган матнларни яратишда муаллиф анча меҳнат қилишига тўғри келади. Бунинг учун юқорида таъкидлаганимиздек, маълум билим, тилдан фойдалана олиш маҳорати талаб этилади. Ҳаммага бирдек тушунарли ва таъсирли матн яратиш осон иш эмас. Бу ўринда журналист олдида қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- биринчидан, ихтисослашган журналист материал тўплашда ҳам, уни яхлит бир кўрсатув қилиб узатишда ҳам мулоқот вазиятини тез ва тўғри белгилай олиши лозим. Бу ахборот манбаига (суҳбатдошларга) мурожаат этиш, савол бериш, вазиятга мувофиқлашиши амалларида янглишмаслик учун ёрдам беради;
- иккинчидан, телекўрсатув кўламини, умумий мазмуний бирликни ва унинг ички бўлакланиши (композицион қисмлари)ни тўғри режалаштира олиши алоҳида аҳамият касб этади;

²⁶ Муаллиф амалиёти ва кузатишлари асосида тайёрланди.

- учинчидан, режалаштирилган мазмуний-мантикий қурилишга мос воситаларини танлаш ҳамда матнни режага мувофиқ таркиблаш ва тартиблаш малакаси, маҳорати зарур;

- тўртинчидан, журналист қўллаган матнида ўз “мен”ини (муаллиф шахси тимсолини) намоён қила олиши, ахборот мазмунига ўз талқини ва баҳосини аниқ ва тиниқ ифодалай олиши лозим;

- бешинчидан, журналист ўз мулоқотдошлари (аудитория, шунингдек, эшиттириш ёки кўрсатув иштирокчилари) билан яқин самимий муносабат (контакт) ярата билиши даркор;

- олтинчидан, оммавий ахборот канали тавсифи ва имконияти билан боғлиқ вазиятини баҳолай олиши ва шу оммавий ахборот воситасига мувофиқ ифода усулини танлай олиши лозим;

- еттинчидан, журналист ҳам, таҳририят ҳам ахборот матнида турли хил лисоний, услубий нуқсонларга йўл қўйишнинг олдини олиши, адабий таҳрир жараёнига ниҳоятда масъулият билан ёндошмоғи талаб қилинади.

Демак, юқорида санаб ўтилган талаблардан бирортаси бузилса ёки амалга ошмаса, журналист олдида қўйилган вазифа кўнгилдагидай адо этилмаслиги мумкин. Бу талаблар асосида ҳосил қилинган мулоқот малакаси журналист касбий-ахборий маданияти ривожига ҳам, жамиятнинг умумий нутқий ва матний мулоқот маданияти ривожига ҳам муҳим ижтимоий намунавий вазифа бажариши шубҳасиз.

Аудитория журналистга, унинг сўзларига қачон ишонади, журналистнинг воқеа-ҳодиса майдонида шахсан иштирокини кўrsa. Бу эса тележурналистика тилида “Stand-up” деб аталади. Телевизион репортажларни ташкил қилувчи муҳим элементлардан бири бу Stand-up бўлиб, уни лавҳада бўлиши мақсадга мувофиқдир. Мухбирнинг кадрга чиқиб, телетомошабинларга мавзу юзасидан бевосита мурожаат қилишидир. Тележурналистларнинг кўпчилиги дастлаб кадрда стенд-апда пайдо бўлади. Демак, Stand-up (“**stand-up**” инглиз тилидан таржима қилинганда “тўғри

тур”, деган маънони англатади) деганда - телевизион репортаж эфирга узатилаётганда, журналист кадрда туриб, сюжет мавзусига доир ахборот бериши тушунилади.

Туризмга оид кўрсатувларда, айниқса, “Dunyo bo‘ylab” телеканалидаги муаллифлик кўрсатувларида (“Менинг ўлкам”, “Сув ёқалаб”, “Сайёҳ билан бир кун”, “Экспедиция”, “Ўтмишга саёҳат”, “Бир ашё тарихи” каби) “Stand-up” дан кенг фойдаланилади.

Телевизион журналистикада стенд-апга қўйиладиган асосий талаблар:

- ахборот жанрларида давомийлиги - 10-20 сониядан ошмаслиги (баъзида сюжет талабидан келиб чиқадиган истисно ҳолатлар мавжуд. Мисол учун, репортажда, тўғридан-тўғри уланишда бу талаб бузилиши мумкин).

- журналист турган фон сюжет мавзусига алоқадар бўлиши;

- қандайдир маънони англатувчи фон ҳамда томошабин билан самарали мулоқот олиб бориш учун одатда Stand up ўрта пландан олинishi;

- агар журналист тўғридан-тўғри эфирда бошловчи билан мулоқот қилмаётган бўлса стенд-апдан сюжет бошида фойдаланмаслик;

- репортёр “Stand-up” жараёнида томошабин билан табиий мулоқот муҳитини юзага келтириши;

- журналистнинг ташқи кўриниши сюжет мавзуси ва муҳитига мос бўлиши;

- “Stand-up” матни кадр ортидан ўқиладиган матндан ажралиб туриши, жумлалар такрорланмаслиги;

- кадрдаги хатти-ҳаракат етарли даражада маъноли ва табиий бўлиши шартлиги назарий манбаларда қайд этилган²⁷.

Stand-up ёки кадрда журналистнинг чиқиши (пайдо бўлиши) бу лавҳани бойитадиган, телетомошабинни воқеага бўлган ишончини оширадиган, материални муаллифлик даражасини кўтарадиган, воқеа содир бўлаётган жойда биз ҳам иштирок этаётгандек ҳис қилиш имконини

²⁷Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). - Т.: ЎзДЖТУ, 2012. 37-б.

берадиган кўрсатувнинг энг муҳим қисмлардан биридир. Журналистнинг кўлида микрофон билан экранда пайдо бўлиши авваламбор, мантиқли, асосланган, ишонарли бўлиши керак. Иложи бўлса материалнинг энг қизик жойи “изюминка”сини ташкил қилиши керак. “Stand-up”нинг ўз юки, мақсади, вазифаси бор. Ўз ўрнида стенд-апнинг сюжет бошида, сюжет ўртасида, сюжет якунида бериладиган турлари шаклланган.

Телевизион журналистлар орасида бир гап бор: журналист микрофонга “подставка”, яъни уни кадрда ушлаб, кўтариб турувчи - тиргович вазифасини бажармаслиги керак. Кўлига микрофон олган журналист репортажнинг мавзуси бўйича аниқ ва муҳим ахборотни бериши, киши диққатини ўзига жалб қилиши, ижтимоий мулоҳазага даъват этиши керак. Кадрда унинг кўпмиллионли телетомошабинларга айтадиган гапи, экранда кўрсатиши лозим бўлган янгилиги ва шу янгиликка унинг ҳам дахлдорлиги кузатилиши керак. Бу айниқса, тарихий объектлар, маданий ёдгорликлар тўғрисидаги телекўрсатувларда қўл келади. “Ўтмишга саёҳат” кўрсатуви айнан шундай хусусиятларни ўзида мужассам қилади. Кўрсатув муаллифи Дилафруз Тўхтабоева. Кўрсатувда кўхна тарихимизга назар ташланар экан, ўз даврининг илмли ва эзгу амаллари билан ном таратган улуғ зотлар ҳаёти ва ижодига ҳам кенг тўхталади. Кўрсатувнинг 2017 йил 19 июндаги сонида ўрта асрларда мавжуд бўлган, антик даврга бориб тақаладиган Далварзинтепа, Чаноктепа, Қизилмозор каби ЮНЕСКОнинг рўйхатига киритилган тарихий ёдголикларнинг қанчалар ноёблиги, тақрорланмаслиги ҳақида сўз боради²⁸.

Агар журналистнинг бирон-бир жиддий гапи, кўрсатадиган объекти бўлмаса, унда телетомошабинда ҳақли равишда: “Нега журналист экранга чиқди?” - деган савол пайдо бўлади. Шу саволга жавоб йўқми, демак барча хатти-ҳаракатлар зое кетади. Журналист телетомошабиннинг ғашига тегади. Ҳар бир объектда “Stand-up”нинг бир нечта вариантларини яратилиши,

²⁸“Dunyo bo‘ylab” телеканалининг “Ўтмишга саёҳат” кўрсатуви 2017 йил 19 июн сони

2-3 дубль қилиб тасвирга туширилиши керак. Уларнинг биронтаси монтаж пайтида албатта асқотади.

Кўрсатувлар самарадорлигини таъминловчи яна бир омил - тележурналист имиджи ва маҳорати. Журналист кадрга чиқиш жараёнида ўзига хос имиджи, образи, юзи, сиймосини яратиши лозим. Ҳар гал экранга чиққанда у қандайдир бир янгиликни айтиши, телетомошабинларни нимаси биландир ўзига тортиши, жалб қилиши, қойил қолдириши керак. Шундагина у айтган маълумот ёдда қолади. “Dunyo bo‘ylab” телеканалининг “Ўунарларда ҳаёт жилваси” кўрсатуви ҳалқимиз урф-одати, анъаналари ҳақида сўзловчи энг намунали кўрсатувлар сирасига киритиш мумкин. Муаллифи ва муҳаррири Озода Тўракулова кўрсатувнинг ҳар бир сониди янги-янги мавзулар ва янгича ёндашувлар билан чиқади. Бир сониди бешик ҳақида гапирилса, яна бир сониди дўппи, тўн ёки ёғоч ўймакорлиги ҳақида сўзлайди.

Бизнинг ахборий жамият ёки олимлар таъбири билан айтганда, билимлар жамиятида касб фаолияти мулоқот билан боғлиқ мутахассисларга тобора юқори талаблар қўйилмоқда. Профессинал коммуникация соҳасидаги рақобатчилик телебошловчиларни аудитория кутаётган шахсий ва ижодий сифатларни ривожлантиришга мажбур қиляпти. Боиси - томошабинларни шунчаки ахборот эмас, балки журналистнинг шахси, унинг маънавий ва ижодий салоҳияти қизиқтиради. Жозибадорлик ва кенг дунёқараш, эркин ва чиройли нутқ, ўзига хос фикрлаш тарзи - бу бошловчи муваффақиятининг зарурий шартларидир. Энг асосийси - мулоқот маҳорати, демакки, бошловчи маҳорати - бу фақат технология ва усуллар эмас, балки муайян бир юксак савиядир. Тележурналистнинг шунчаки гапириши етарли эмас, у ўзини кўрсата билиши, кўринмас томошабин билан мулоқотга кириша олиши ҳамдир. Жисмоний фазилатлар - яхши ташки кўриниш, ёқимли овоз ва тўғри талаффуздан ташқари тележурналистга яна куйидаги талаблар ҳам қўйилади:

- Кенг маълумот, одамлар ва ҳаётни билиш;
- Ақлли ва ҳозиржавоб бўлиш;
- Юмор ҳисси;
- Сабр-тоқат;
- Тасаввур;
- Шижоатли бўлиш;
- Ўзига бўлган ишончга асосланган камтарлик;
- Жамоада ишлай олиш қобилияти²⁹.

Ушбу сифатлар инсоннинг табиатига киради - улар ёки бор, ёки йўқ. Уларга ўрганиб олиш мумкин эмас, фақат ривожлантириш мумкин, шунда ҳам ҳаммасини эмас. Шундай бўлсада, биргина муҳим ҳусусият - яхши нутқни ўрганса бўлади. Бунинг учун журналист ўз нутқи устида тинимсиз ишлаши керак.

Сўз экран учун жуда муҳим. Бу - шубҳасиз. Сўз экрандаги тасвирни қабул қилишни осонлаштиради, қабулни чуқурлаштиради, кадрнинг чегараларини кенгайтиради, томошабинни ўйлантиради. Жойларда олиб кўрсатилаётган репортажда сўзни тасвир воситаси сифатида фойдаланиб, радиога ўхшаб ҳикоя қилинса, унинг аҳамияти деярли йўқолади. Шунинг учун баъзи ҳолларда бирор жойдан репортаж олиб бораётган журналистнинг бўлиб ўтаётган воқеани тасвирлашда томошабинга фойда келтириш ўрнига фақатгина зарар кўрсатиши мумкин. “Сўз ва тасвирнинг мослиги, экран тасвир қонун-қоидаси билан ижро санъатининг уйғунлашуви телевизион журналист ижоди самарадорлиги гаровидир”³⁰.

Журналистик моҳирлик ва саводли ёзув маълумотларни тайёрлашдаги дастлабки муваффақиятдир. Материал матнининг тўғри ёзилганлиги янгиликларни тўплаш, уни узатишнинг асосидир. Матнни саёз тайёрлаган журналист шубҳасиз рақобат шароитида ғолиб чиқиши анча мушкул бўлади.

²⁹ Кузнецов Г.В. Семь профессиональных граней журналиста ТВ. - М.: ИПК работников ТВ и РВ, 2001. С.58.

³⁰Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). - Т.: ЎзДЖТУ, 2012. 7-б.

Айрим ҳолларда “Dunyo bo‘ylab” телеканали кўрсатувларида ҳам шундай камчиликларни сезиш мумкин. Мисол учун “Шахсий фикр” телекўрсатувида журналист Исфандиёр Бургутбоев кўрсатувни олиб боришда баъзи камяиликларга йўл қўйаётганлиги сезилади³¹.

Кўрсатувнинг айнан, атроф муҳитни муҳофаза қилиш мавзусидаги сонида журналист мутахассис фикрини бўлиб қўйиш, мавзудан чалғиб кетиш жараёнларини кўришимиз мумкин.

Баландпарвоз нутқ ёки шундай сўзлар билан ёзилган матн одатда, ҳеч кимга керак бўлмаган ортиқча ва сохта ватанпарварликдан ёки кўпинча малаканинг, маҳоратнинг етишмаслигидан, журналист сўзлар бойлигининг қашшоқлигидан, натижада воқеани оддий инсоний сўзлар билан ифода эта олмаслигидан, матн битаётганда гўзал ва нозик сўзларни қулоғига шивирлаб бармоқларини ёзишга ундайдиган юракнинг иштирок этмаслигидан келиб чиқади. Яна бир сабаб, баландпарвоз сўзлар одатда журналистнинг воқеа, ходиса, масала, муаммонинг ичига чуқур кириб бормаганлигидан дарак беради. Сабаби, масаланинг ичига қанча чуқур кириб борсанг шунча оддий, жўн гап, сўз, ташбеҳлар пайдо бўладики, асти қўяверинг. Баландпарвоз сўзлардан қочиш керак. Бундай нутқни ҳеч ким эшитмайди, қулоққа чалинса ҳам қалбга етиб бормайди. Парламент хабарларида бу мезон етакчи ҳисобланади.

Узоқ йиллар мобайнида у ёки бу воқеа, ходиса тўғрисида фақат битта фикр, битта муносабат, ягона нуқтаи назар билдиравериш, объектив баҳо берувчи оқил ва одил профессионал журналистика фақат давлат, ҳукумат минбарига айланиб қолган эди. Бу давлат, ҳукумат сиёсатини тарғиб қилиши билан бир пайтда телетомошабинларни фақат бир хил фикрлашга, бир хил муносабат билдиришга, ёндошувга ўргатиб қўйган эди. Иккинчи, муқобил фикр, бугунги ҳаёт ҳақида танқидий ёки салбий фикр умуман бўлмас эди. Бу эса реал ҳаётга тўғри келмас ёки ҳаётни бирёқлама талқин қилар, бузиб

³¹“Dunyo bo‘ylab” телеканали 2019 йил 12 апрелдаги сони. <http://www.mtrk.uz>.

кўрсатар эди. Телетомошабин реал ҳаёт ўрнига қайсидир ОАВ томонидан сунъий яратилган ҳаётнинг бир кўринишини, вариантыни кўрар, шу ҳақида ўйлар, мушоҳада қилар, “ҳа, биз шунақа эканмиз”, деб хулоса чиқарар эди. Натижада, телевидение яратган виртуал ҳаёт билан реал ҳаёт ўртасида катта фарқ шаклланарди. ОАВга ишончсизлик руҳи шаклланарди. Бугун бу тамойил умуман ўзини оқламаяпти. Аудитория мақтовга ишонмай қўйди. Теледастурлар ҳаётни акс этмаса уни ҳеч ким кўрмаяпти. Бугун аудитория учун, унинг эътибори учун кураш кетмоқда. Шу боис, турфа фикрлар, мунозаралар бугун аудитория эътиборида.

ХУЛОСА

Аудиовизуал ахборот воситалари бизни кун давомида таъқиб этиб, дам олишимиздан тортиб ҳаёт тарзимизни ҳам белгиламоқда, дунё воқеаларидан хабардор қилмоқда, тарбияламоқда, таълим бермоқда, кўнглимизни хушнуд қилмоқда. Бу эса замонавий шахс тафаккури, дунёқарашининг ўзгаришига, маданий қарашларига, қадриятларга ўзгача муносабатининг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам телевизион журналистиканинг масъулияти ўн чандон ортиқдир.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда давлат, кабелли, тижорат, жамоатчилик, ҳиссадорлик телевидениеларнинг янги типлари пайдо бўлиб сифат жиҳатидан ривожланмоқда. Телевизион чиқишларда журналистлар кўллаётган асосий жанрлар инсон руҳиятини поклайдиган, маънавий озуқа берадиган, эзгуликка ундайдиган, унинг қалбига яхшилик уруғларини эка оладиган, керак бўлса, фикр уйғота оладиган, яъни руҳан янгиланишга сабаб бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир. Чунки, телевидениега олиб чиқилиши кўзланган ҳар бир жанр ва муаммо, янгилик инсон манфаатларини кўзда тутган ҳолда томошабинларга етказилади. Мазкур малакавий битирув ишини тайёрлаш давомида кундалик телевизион чиқишлар, интернет маълумотлари кўриб чиқилди, айти пайтда эфирга узатилаётган кўрсатувлар ўрганилиб таҳлил қилинди. Натижада, туризм ва сайёҳликка оид кўрсатувларнинг мамлакат имиджини яхшилашдаги роли борасидаги тасаввурлар кенгайиб, шу йўналишга доир материаллар илмий таҳлил қилинди.

“Dunyo bo‘ylab” телеканалида мамлакатимизда туризм соҳасидаги ўзгаришларни тарғиб қилиш, дунё ҳамжамиятини ўлкамиздаги бой тарихий мерос, табиий бойликлар билан таништириш ҳақида турли жанрдаги кўрсатувлар сони кўпаймоқда. “Dunyo bo‘ylab” телерадиоканалидаги “Менинг ўлкам!”, “Ҳориждаги юртдошим”, “Ўтмишга саёҳат”, “Бир ашё тарихи”, “Тафсилот”, “Турист билан бир кун”, “Арт-туризм”, “Бсе о

туризме”, “Сув ёқалаб”, “Жажжи саёҳатчи”, “Ов мавсуми”, “Балиқ ови”, “Сайёҳ”, “Завқли таътил”, “Экспедиция” мавзусидаги чиқишлар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олиняпти.

Мамлакатимизда туризм соҳасидаги ўзгаришларни, тўғрисида айтганда, фақатгина “Dunyo bo‘ylab” телеканали жамоаси оммага тўлиқ етказиб бера олмаяпти. “Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналари, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд”³². Бунинг учун катта техник имконият, маҳоратли кадрлар ва дунё мамлакатларининг етакчи медиа компаниялари билан ҳамкорлик керак бўлади. Юртимизнинг туризм имкониятлари тўғрисида буклетлар нашр этириш, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, фольклор ва этнографиямиз, хунармандчилигимиз ҳамда тарихий обидаларимиз тўғрисида хорижий тилларда фильмлар, видеороликлар яратиш ҳам галдаги муҳим вазифалардандир.

Халқаро медиа маконда туристик имиджни мустаҳкамлаш ва “Dunyo bo‘ylab” телеканалини ривожлантириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни берамиз:

- Минтақавий (Марказий Осиё, МДХ, ШОС) ва глобал ахборот маконидаги ОАВ билан тенг рақобат олиб борувчи йирик миллий медиа-холдингларни ташкил этиш;
- ривожланган хорижий мамлакатлардаги ОАВ ва тадқиқот марказлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш;

³²Ўзбекистон Олий таълим муассасалари ректорлар кенгаши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. –Т.: 2019. –Б. 188.

-“Dunyo bo‘ylab” телеканалида етакчи хорижий тилларда эфирга узатиладиган кўрсатувларни кўпайтириб, сунъий йўлдош орқали эфирга чиқишни ташкил этиш;

- хужжатли кўрсатувларни кўпайтириш;

-хорижий давлатлардаги оммавий ахборот воситаларининг акцияларини, улушларини сотиб олиш ва улар билан тенг муносабатларга киришиш воситасида жаҳон медиа бозори (макони)га тўғридан-тўғри чиқиб олиш;

-журналистика бўйича олий таълим муассасаларида “Трэвел-журналистика” (ингл. travel journalism) - йўналишини очиш ва уни ривожлантириш;

- болалар туризмга оид телекўрсатувларни кўпайтириш;

- ҳар саотда туризмга оид видеороликлар бериб бориш;

- профессионал операторлик маҳоратларидан фойдаланиш.

Биз сайёҳлар ва тадбиркорларнинг фикрларини холис ёритишга ҳаракат қилдик. Танқид - келажак меваси эканини кўпчилик яхши билади. Шундай экан, муаммоларга ўз вақтида эътибор қаратиш ва уни бартараф этиш ҳам бугуннинг долзарб вазифасидир. Ахир, юртимизга келадиган сайёҳлар оқими ортишидан ҳаммамиз манфаатдормиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 1.2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи, 8 февраль, 2017.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони//<http://www.lex.uz>
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси .Халқ сўзи, 2017 йил 8 декабрь
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. 56-б.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига.
// <http://press-service.uz> 27.06.2017
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Ш.М Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак. (2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда

Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси) // www.uza.uz

- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // www.uza.uz 22.12.2017.
- 1.10. Ўзбекистон Олий таълим муассасалари ректорлар кенгаши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. –Т.: 2019. -Б. 188.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августда қабул қилган “2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори//[http. www.lex.uz](http://www.lex.uz).
- 1.12. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.// [www. lex.uz](http://www.lex.uz)

II. Махсус адабиётлар

- 2.1. Арифханова С. Телевизионная журналистика. -Т.: 2007.
- 2.2. Борецкий Р, Кузнецов Г. Журналист ТВ в кадре и за кадром. -М.: 1990.
- 2.3. Багиров Э.Г. Основы телевизионной журналистики. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Изд-во МГУ, 1987.
- 2.4. Засурский Я.П. Журналистика и мир на рубеже тысячелетий. -М.: МГУ, 2000.
- 2.5. Ибрагимов Ш.М. Тележурналистика асослари. (Маърузалар матни) -Т.: ЎзМУ, 2000.
- 2.6. Ибрагимов Ш.М. Тележурналистика асослари. - Т.: ЎзМУ, 2012. 3-4-б.

- 2.7. Ирназаров К.Т. (умумий таҳрири остида). Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти (ўқув қўлланма). -Т.: ЎзМУ, 2002.
- 2.8. Кузнецов Г.В. Семь профессиональных граней журналиста ТВ. -М.: ИПК работников ТВ и РВ, 2001. С.58.
- 2.9. Каримов А.А. Телевиденининг рекреатив вазифаси. (Ток-шоулар асосида). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.:ЎДЖТУ, 2012.
- 2.10. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). -Т.: ЎзДЖТУ, 2012. 37-б.
- 2.11. Муҳаммедов М. Телевидение асослари. -Т.: Voris-nashriyot, 2009.7-б.
- 2.12. Нечай О.Ф. Ракурсы: о телевизионных коммуникациях и эстетике. -М.: 1990.
- 2.13. Нурматов Н., Абдуллаев Ж. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Оммавий ахборот воситалари. -Т.: Ўзбекистон, 2016.
- 2.14. Нурматов Н., Қосимова Н. Сайлов жараёнларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли. (Журналистлар учун амалий қўлланма). -Т.: Ўзбекистон, 2014.
- 2.15. Поберезникова Е.В. Телевидение взаимодействия. Интерактивное поле общения. -М.: Аспект Пресс, 2004.
- 2.16. Раҳматуллаева И. Телевидение ва ёшлар: кеча ва бугун. -Т.: Янги аср авлоди, 2005.
- 2.17. Саидов Х. Янгиликлар журналистикаси ва репортёрлик санъати. -Т.:2013.
- 2.18. Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. -Т.: Ga'fur G'ulom NMIU, 2008. 12-б.
- 2.19. Сагал Г. Журналисты XX века: люди и судьбы. -М.: 2000.
- 2.20. Свитич Л.Г. Профессия: журналист. - М.: Аспект Пресс, 2003.
- 2.21. Телерадиоэфир: история и современность. Подред.Я.Н.Засурского. - М.: Аспект Пресс, 2005.

- 2.22. Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қонидаси. -Т.: Шарқ, 2002. 20-б.
- 2.23. Ҳамдамов Ю. Тараққиёт мезони. -Т.: Ўзбекистон, 2013.Б.146.
- 2.24. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. -Т.: Тафаккур, 2011.162-б.
- 2.25. Цвик В.Л. Телевизионная журналистика. История. Теория. Практика. - М.: Аспект Пресс, 2004.
- 2.26. Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. 4-е изд. -М.: МГУ, 2002.
- 2.27. Ўтаев Ў. Телевидение – давр кўзгуси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

II. Интернет манбалари

- 3.1. [www. uza.uz](http://www.uza.uz)
- 3.2. www.norma.uz
- 3.3. www.tourist.uz
- 3.4. www.kun.uz
- 3.5. www.mtrk.uz
- 3.6. www.lex.uz
- 3.7. www.Gazeta.uz
- 3.8. www.podrobno.uz
- 3.9. [www.tur.uz.](http://www.tur.uz)